Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 16 март • шанба • № 35-36 (4165)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

*Жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ «ҲУМО АРЕНА» СПОРТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель жаноблари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сизларни Наврўз байрами арафасида, гўзал баҳор кунларида Ўзбекистон заминида самимий қутлайман. Барчангизга чуқур ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бениҳоя мамнунман.

Бугун пойтахтимиз марказида ишга туширилаётган замонавий спорт кошонаси – «Ҳумо арена»га ташриф буюриб, қувончимизга шерик бўлаётганингиз учун сизларга катта раҳмат!

Ушбу тантанали маросимда иштирок этаётган жаҳон спорти юлдузлари, машҳур маданият ва санъат арбоблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарларига қарата айтмоқчиман:

Хуш келибсиз, меҳмондўст Ўзбекистон заминига!

Азиз дўстлар!

Бугун биз юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз. **Ва бу йўлда жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз.**

Шу маънода, биз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис туманларда ҳам замонавий ва фойдаланиш учун қулай спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан доимий шуғулланадиганлар сони икки баробар кўпайди.

Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди, улардан 400 дан ортиғи олтин медаллардир. Ҳозирги вақтда бокс, дзюдо, эркин кураш, бадиий гимнастика, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Ўзбекистонда шаклланган мактаблар бутун дунёда маълум-у машҳурдир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, дунё ва қитъа чемпионатлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Биз 2030 йилда Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдик.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз спортчиларимиз қишки спорт ўйинлари, жумладан, энг қизиқарли бўлган фигурали учиш, хоккей, тоғ-чанғи спорти, фристайл, сноуборд ва бошқа спорт турлари бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишига интилмоқдамиз.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ Тошкентда «Юбилейний» муз спорти саройи, «Бинокор» хоккей жамоаси, Тошкент вилоятида тоғ-чанғи трассаси мавжуд бўлган.

Бизнинг бу борада эришган ютуқларимиз орасида фристайл бўйича қишки Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатида қўлга киритилган олтин медаллар, фигурали учиш бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришилган 70 дан зиёд медаллар борлигини таъкидлаш лозим.

**Биз спорт соҳасидаги ана шундай шонли анъаналарни давом эттиришни ўз бурчимиз деб биламиз.**

Ўтган йили мамлакатимизда тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Бу йил февраль ойида шайбали хоккей бўйича биринчи бор Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон спортчилари яқинда Красноярскда ўтказилган Бутунжаҳон қишки универсиадасида илк бор иштирок этди.

Ушбу замонавий муз саройининг ишга туширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб беради, десак, ўйлайманки, муболаға бўлмайди.

Мазкур иншоот ўзининг илғор меъморий ва муҳандислик-қурилиш ечимлари, техник жиҳозланиш даражасига кўра ноёбдир. Биз ҳамкорларимиз – етакчи компанияларнинг энг сўнгги ишланмаларини жалб этишга ҳаракат қилдик.

Ишончим комилки, «Ҳумо арена» юксак малакали спортчиларни тайёрлаш ва Ўзбекистонда йирик халқаро мусобақалар ташкил этиш ва энг асосийси – ёшларимизни қишки спорт турларига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Бундай мажмуа ва марказларни биз келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этамиз.

Шу муносабат билан бугунги тадбирда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз – машҳур спортчи ва мураббийлар – дунё спорти юлдузларига мурожаат қилиб, айтмоқчиман: **биз сизнинг қўллаб-қувватлашингиз, билим ва маҳоратингиз, улкан профессионал тажрибангизга ишонамиз.**

Қадрли дўстлар!

Бизнинг пойтахтимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб турган, сизларнинг иштирокингизда фойдаланишга топширилаётган бу замонавий спорт саройи ушбу йўналишдаги ишларнинг дастлабки амалий натижасидир.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, барча халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу ноёб комплекс спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги орзунинг амалий ифодаси бўлди.

Ана шу орзуни ҳақиқатга айлантирган, қисқа муддатда шундай улуғвор мажмуани барпо этган лойиҳачи, меъмор, қурувчи ва муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун миллий спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бутун кўп миллатли халқимизни, ушбу тадбиримизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини бугунги тарихий воқеа – «Ҳумо арена» спорт саройининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, улкан зафарлар ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ

**Янги йирик саноат иншоотлари, туб иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар Ўзбекистоннинг довруғини оширмоқда. Юртимизга хорижий сармоядорлар манфаатли ва ишончли бизнес макони, чет эллик туристлар бокира гўзаллик тимсоли ва тарихнинг бетакрор гувоҳи сифатида қараяпти.**



Экспертлар эса буларнинг барчаси қаторида Ўзбекистон бунёдкорлик ўлкасига айланганини ҳам таъкидлайди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси гўшасига борманг, қурилиш материаллари ташиб кетаётган улкан юк машиналарига, тинимсиз ишлаётган кранларга кўзингиз тушади. Ўзбекистонга бир келган киши иккинчи сафар унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини эътироф этаётгани ҳам ҳақиқат. Ўзимиздан қиёс – қайси шаҳарда яшашимиздан қатъи назар, унинг бирор кўчасига бир-икки йил бормасак, ногоҳ йўлимиз тушганида адашиб қолишимиз рост. Янги қад ростлаган бинолар эски тасаввурдаги мўлжални бузиб юборади.

Бир сўз билан айтганда, умумэътироф этилаётган иқтисодий ютуқлар, мутлақо янги асосдаги самарали ташқи сиёсат баробарида бунёдкорлик ҳам Ўзбекистон ҳақида тилга олинаётган гаплар, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг бош мавзусига айланган.

Бунинг негизида халқимизга хос янгиланишга интилиш ҳисси, атрофдаги манзарани гўзаллик билан бойитиш фазилати, айни пайтда катта ишларга қўл ура олиш журъати мужассамдир.

Тошкент марказида энг замонавий стандартларга тўла мос келадиган муз спорти саройи барпо этилгани бу фикрнинг инкор этиб бўлмас ёрқин далилидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль куни «Ҳумо Арена» мажмуасига рамзий тош қўйиш маросимида қатнашиб, бу каби замонавий спорт иншоотлари баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

2 ▸





Сурхондарё вилояти

ЎзА сурати

**Бор бўл, оқибат!**

## Йигирма етти йиллик ижара ташвиши барҳам топди

*Сурхондарё вилоятида уй-жойга муҳтож, кам таъминланган оилаларга янги уйлар калитлари топширилди*

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Сурхондарё вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилиб, бир гуруҳ кам таъминланган оилаларга Наврўз байрами арафасида янги уйларнинг калитлари топширилди.

Бугун Сурхон воҳасининг қай ҳудудига борманг, бунёдкорлик ишларига, кун сайин қад ростлаётган замонавий, шинам, барча қулайликларга эга уй-жойларга кўзингиз тушади. Намунавий лойиҳалар асосида қурилиб, юртдошларимизга тақдим этилаётган турар жойларнинг ички ва ташқи қиёфаси замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган. Бу, шубҳасиз, халқимизнинг турмуш даражаси янада юксалиб, қишлоқларимиз қиёфаси гўзаллашиб бораётганидан далолатдир.

2 ▸

**Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни олдидан**

## Муҳим тадбирларга тадорик

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» шиори остида ташкил этиладиган тадбирларга тайёргарлик кўриш бўйича йиғилиш ўтказилди.**

Унда Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев мазкур йўналишда амалга ошириладиган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритди.

Қайд этилганидек, жамият аъзоларини меҳнатга оид халқаро ва миллий стандартлар билан таништириш, меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланиши олдини олишга иш берувчилар ва ходимлар эътиборини янада кучайтириш касаба уюшмаларининг устувор масалаларидандир.

2 ▸

## Аҳолига яратилган ҳар бир қулайлик – мамлакат тараққиёти йўлидаги муҳим қадамдир

*Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрмоновнинг «Ishonch» газетасининг 5 февраль сонида «Очиқ интервью» рукни остида берилган саволларга жавоблари*



**– Вилоятга раҳбарлик қилаётганингизга 9 ойдан ошди. Бу даврда вилоятда қандай ислоҳотларни амалга оширишга улгурдингиз?**

– Биринчи навбатда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижросига тўлиқ киришганмиз. Президентимизнинг инсонларнинг дард-у ташвиши билан яшаш зарурлиги ҳақидаги тамойили фаолиятимизнинг асосий йўналишига айланди. Хусусан, муаммоларни жойига чиқиб ўрганишга ҳаракат қиляпмиз. Бозорларда, маҳаллаларда, муассасаларда бўлиб, оддий одамлар билан мулоқот уюштиряпмиз. Ёшларнинг фикрларини ўрганяпмиз. Кексалар ўгитини эшитяпмиз. Бу бизга янги ғоялар бермоқда. Шу билан бирга хориж сафарларида бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганяпмиз, ҳар бир масалага инновацион, креатив ёндашишга ҳаракат қиляпмиз.

Бир жиҳатни айтиб ўтишни истардим. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари кўплаб инсонларнинг ҳаётига нур олиб кирди. Ўтган йили вилоятимизда 23 та қишлоқда ва 4 та маҳаллада жами 104 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектида 73,7 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Вилоят аҳолисини қийнаб келаётган муаммолардан бири, бу тоза ичимлик сувига бўлган талабнинг тўлиқ қондирилмаётганлигидир. Ўтган йили ушбу муаммони ечиш учун барча манбалар ҳисобидан **144 та** объектда **456,2 км.** ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Натижада 2018 йилда вилоят бўйича 77600 нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, 42000 нафардан ортиқ аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Ҳеч бир соҳа, ҳеч бир масалани эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиляпмиз. Ҳар бир кунни танқидий таҳлил қилиб, хулосалар чиқаряпмиз, янги режалар белгилаяпмиз. Қайси муаммолар атрофида кўпроқ ишлаш кераклигини, эътиборни кучайтириш керак бўлган соҳаларни белгилаб оляпмиз.

3 ▸

КУННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар учун «StrategEast» Америка маркази мукофотига сазовор бўлди.**

**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг «Йил одами» соврини соҳиби сифатида Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳазрати олийлари эълон қилинди.**

**«Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.**

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ

◂1

Ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбари ушбу беқиёс бунёдкорлик жараёни билан бир неча бор танишиб, мутасадди раҳбарларга қурилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Мана, меъмордан боғбонгача, конструктордан ҳайдовчигача, муҳандисми ё кранчими, хуллас, бу улкан ишда қатнашган барча-барчанинг фидокорона меҳнати, халқимизнинг буюк журъати натижасида бугун бош шаҳримиз бўлган Тошкентимиз, бутун Ўзбекистонимиз шундай жавоҳирга эга бўлди.

Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувида бунёд этилган ушбу мажмуа дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илғор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлашиб кетган. Мажмуа кўкда парвоз қилаётган бахт ва ҳурлик рамзи – Ҳумо қуши шаклида барпо этилди.

15 март куни ушбу муҳташам спорт кошонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, барчани ушбу қутлуғ воқеа билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотларда соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросими спорт мухлислари ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. Маросимнинг бош ғояси санъат ва спортни биргаликда уйғунлаштиришдан иборат бўлди.

Очилиш маросими спортчи ва санъаткорлар ҳамкорлигида тайёрланган шоу дастур билан давом этди. Муз майдони сатҳида 3D мэппинг технологияси асосида Ҳумо қуши, бу ерда ўтказиладиган спорт турлари тасвири намойиш этилди. Спортчи-ёшлар ва болалар кўргазмали чиқишлар қилди. Ўзбекистоннинг ёш спортчилари ва машҳур хоккейчилар ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

«Ҳумо Арена» замонавий муз саройининг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб беради.

Қайд этиш керакки, кўп тармоқли «Ҳумо Арена» муз саройи дунёга машҳур ўндан ортиқ хорижий фирма ва компания билан ҳамкорликда барпо этилди.

Мажмуанинг концептуал лойиҳаси Жанубий Кореянинг «Heerim Architects & Planners» компанияси, том қисмининг лойиҳаси Австриянинг «Oberhofer Stahlbau» компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Умуман, иншоотни қуриш ва жиҳозлашда Германия, Буюк Британия, АҚШ, Испания, Италия, Бельгия, Франция, Финляндия, Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологиялардан фойдаланилган.




ЎзА суратлари



Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва машқ муз ареналари жой олган. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқтаси 40 метр.

Мобиль ўриндиқлар билан жиҳозланган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бошқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатади. Дам олиш маскани ва ижтимоий марказ сифатида барпо этилган муз саройида турли тадбирлар ўтказиш мумкин. Хусусан, аренада халқаро хоккей ўйинлари, кёрлинг, фигурали учиш, шорт-трек бўйича мусобақалар, баскетбол, волейбол, гандбол, футзал, бокс, таэквондо баҳсларини ўтказиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш учун барча шароит муҳайё.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнғинни ўчириш, совутиш тизимлари, ёритиш, вентиляция, иситиш қурилмалари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, тежамкор технологиялар асосида ишлайди.

Қисқача айтганда, ушбу иншоот Ўзбекистон халқи фаровонлиги, тараққиёт ва ривожланиш йўлида янги саҳифа очилгани рамзидир.

Маросимда Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель, дунёга машҳур спортчи ва санъаткорлар иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
ЎзА мухбири

# Мираброр Усмонов



Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, таниқли давлат ва жамоат арбоби, сенатор Мираброр Зуфарович Усмонов шу йил 15 март куни 72 ёшда вафот этди.

М.Усмонов 1947 йил Тошкент шаҳрида туғилди, 1978 йилда Самарқанд кооператив (ҳозирги иқтисодиёт ва сервис) институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлади. Ўз иш фаолиятини 1964 йилда Тошкент шаҳридаги «Баҳор» ресторанида бошлади. Кейинчалик Тошкент шаҳридаги бир қатор ресторанларда турли вазифаларда ишлади.

Ўз ҳаётини эл-юрт хизматига бағишлаган М.Усмонов кўп йиллар мобайнида Тошкент шаҳар ресторанлар трести директори, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси умумий овқатланиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги мураккаб ўтиш даврида мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан тўлдириш, савдо ва маиший хизмат соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида унинг хизматлари катта бўлди.

Бой меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу заҳматкаш инсоннинг раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти Ўзбекистон Республикаси савдо вазири, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси раиси, Бош вазир ўринбосари каби масъул вазифаларда ишлаган йилларида яққол намоён бўлди.

У 2005-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмита раиси, раис ўринбосари лавозимларида фаолият олиб бориб, миллий парламентимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди.

М.Усмонов Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси раиси сифатида ҳам самарали фаолият олиб бориб, ушбу соҳаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Унинг жамоат ишларидаги фаол иштироки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги катта хизматлари эл-юртимизга яхши маълум.

М.Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони, «Дўстлик», «Меҳнат шуҳрати», «Фидокорона хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган эди.

Ташаббускор ва ташкилотчи раҳбар, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мираброр Усмоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Ж.ОРТИҚХЎЖАЕВ, Ш.ЖАЛИЛОВ**

# Муҳим тадбирларга тадорик

◂1

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2017-2019 йиллар учун имзоланган Бош келишувда ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида бир қатор вазифалар белгиланган.

Аҳамиятлиси, бу йил «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» мавзусида ташкил этиладиган тадбирларни янгича ёндашув асосида, таъсирчан кўринишда ўтказиш кўзда тутиляпти. Мисол учун, давра суҳбати, семинар-тренинг, энг яхши меҳнат шароитлари фотокўргазмаси, соҳага оид кўргазмалар уюштириш, соғлом ва хавфсиз меҳнат тарғиботи кампанияси, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш, «Меҳнатга оид ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусидаги зукколар ўйини, баҳс-мунозараларга кенг эътибор қаратилади.

Тадбир доирасида иштирокчиларнинг бир қатор йўналишларда мулоҳазалар билдириши, кўргазмали материаллар ва видеороликлар намойиш этиши назарда тутилган. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати, меҳнатни муҳофаза қилиш тизими, меҳнат шароитларининг яхшиланишига оид ишлар, меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши масалаларига урғу берилади. Қолаверса, ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этиш, меҳнат шароити оғир, зарарли ва хавфли ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари (аёллар, ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар) учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам инобатга олинади.

Бундан ташқари, фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби, меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнатга лаёқати йўқотилиши даражаси, ногиронликка олиб келадиган асосий касалликлар ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилиши белгиланган.

Шу маънода жорий йилнинг 22-29 апрель кунлари республикамизнинг барча корхона ва ташкилотларида иш берувчилар, касаба уюшмалари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ҳамда ижтимоий ҳамкорлар иштирокида ўтказиладиган «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» мавзусидаги ҳафталик тадбирлар ушбу мақсадларга эришиш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Аниқроқ айтсак, меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланиши олдини олишга иш берувчилар ва ходимлар эътиборини кучайтириш, меҳнатга оид норматив ҳужжатларга амал қилиниши устидан жамоат назорати олиб борилишида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаб, муаммоларни ўрганган ҳолда, ҳамкорликда улар ечимини топишга жиддий эътибор қаратилади.

Зеро, «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни»нинг асосий мақсади ҳам бутун дунёда хавфсизлик маданияти ва меҳнат гигиенасига амал қилишдир.

2003 йилдан буён мазкур сана муносабати билан Халқаро меҳнат ташкилоти шафелигида дунёнинг юздан зиёд мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам иш жойида жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган.

Айтиш жоизки, тадбирларда олинган маълумотлар, алмашилган фикр-мулоҳазалар ва белгиланган вазифалар келгусида республикадаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини тизимли равишда таҳлил этиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилашда самарали натижалар бериши кутиляпти.

Табиийки, «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» мавзусидаги тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Йиғилишда тизимдаги раҳбар ва масъул ходимларга бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар топширилди.



**Тўлқин ШЕРНАЕВ**
**«Ishonch»**

# Йигирма етти йиллик ижара ташвиши барҳам топди

◂1

– Янги уйларнинг эгалари Наврўзни янада кўтаринки руҳда қарши олишмоқда, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қумқўрғон тумани кенгаши раиси Норхўжа Абдуллаев. – 27 йилдан бери 2 нафар боласи билан (уларнинг бири ногирон) ижарада яшаб келаётган Мақсуда Баҳодирова ҳамда боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанди билан 20 йилдан буён ижарама-ижара кўчиб юрган Бўрижамол Нoралиеванинг мушкулотларига чек қўйилди. Оғир шароитда умргузаронлик қилиб келаётган бу икки оилага ўзлари яшаб турган «Янги шаҳар» ва «Дўстлик» маҳаллалари ҳудудидан янги уй-жой қуриб берилди.

Бундан ташқари, 2005 йилда хизмат вазифасини бажариш вақтида автоҳалокатга учраб, тўшакка михланиб қолган, саломатлигини тиклаш учун яшаб турган уйини сотиб, пулини даволанишга сарфлаган 34 ёшли Муҳиддин Султонов оиласи билан «Азларсой» маҳалласида, боқувчисини йўқотган Гулчеҳра Мирзаева ва 4 нафар фарзанди «Нефтчи» маҳалласида ижара уйларда яшарди. Президентимиз ташаббуси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган манзилли дастур асосида уларга ҳам «Боғора» маҳалласи ҳудудидан замонавий уй-жойлар қуриб берилди. Ушбу дастур асосида 25 та кам таъминланган оиланинг яшаб турган уй-жойлари таъмирланиб, 70 та оилага маиший техника жиҳозлари олиб берилди. Оғир хасталикка чалинган 4 нафар бемор фуқарога соғлиғини тиклаши учун моддий кўмак ажратилди.

– Жарқўрғон туманидаги «Қораёнтоқ» маҳалласида «Олим қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан кам таъминланган оилалар учун намунавий лойиҳалар асосида 6 та турар жой бунёд этилди, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жарқўрғон тумани кенгаши раиси Суюн Жумаев. – Куни кеча ушбу уйларнинг калитлари эгаларига топширилди. Янги турар жойлар маҳаллий, пишиқ ва пухта қурилиш материалларидан қурилган бўлиб, газ, сув ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

– Жарқўрғон туманидаги «Эскиқишлоқ» маҳалласида яшаймиз, мен ва турмуш ўртоғим 1-гуруҳ ногиронимиз, – дейди Бахтиёр Раҳмонов. – Икки нафар фарзандимиз бор. Очиғи, уйга катта эҳтиёжимиз бор эди. Биз каби кўнгли ўксик инсонларга кўрсатилаётган бундай эътибордан бошимиз осмонга етди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мутасаддилар томонидан ўнга яқин кам таъминланган оилаларга ҳам янги уйларнинг калитлари тантанали равишда топширилди. Янги уйлар шодлиг-у қувончга тўлди. Айни кунларда ушбу хонадонларда уй тўйлари нишонланмоқда.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси муҳокамаси

# Ҳеч ким эътибордан четда эмас

**Қашқадарё вилояти «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш» бошқармасида ходимлар манфаати иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб ҳимоя қилинаётир. Эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам, фаоллик кўрсатган ишчиларга моддий рағбат кўрсатиб келинмоқда.**

Мисол учун, бошқарма қоровуллари Норқул Каримов, Ғайбулло Азизов, руйхатга олувчи ходима Феруза Исоқовага оилавий шароити оғирлиги сабаб моддий ёрдам ажратилди. Бир қатор ходимлар, жумладан, Отабек Улашев, Амир Алиев, Фаррух Эркаев ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, касаба уюшмаси рағбатига мушарраф бўлишди.

Кўп қаватли уй-жойлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлим мутахассиси Нормурод Арзиқулов сурункали шамоллашлардан қолган асоратдан озор чекарди. Унга «Ботаника» сиҳатгоҳига йўлланма берилди. Бўлим бошлиғи Акрам Худойназаров эса «Турон» санаторийсида саломатлигини тиклади...

Бошқарманинг амалдаги жамоа шартномаси 2017-2019 йилларга мўлжаллаб тузилган бўлиб, ҳужжатнинг 2018 йилда бажарилишига бағишланган йиғилишда юқоридаги каби кўпгина ижтимоий ҳимоя тадбирлари тилга олинди. Амалга оширилган ишлар хусусида бошқарма бошлиғи Анвар Темиров ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулла Азизовнинг ахбороти тингланди.

Қизғин музокаралар жараёнидан сўнг жамоа шартномасига «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган макет асосида қўшимчалар киритилди.

Йиғилишда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Илҳом Омонов ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов мавзу юзасидан ўз тавсияларини беришди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

Акция

# Менинг келажакдаги иш жойим

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури» доирасида «Менинг келажакдаги иш жойим» акциясини ташкил этди.

Вилоят ҳокимлиги, ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг келажакда муносиб иш жойини топишига кўмаклашишдир. Тадбирда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари Андижон шаҳридаги «Кичик саноат зона»ларидаги қўшма корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиб, қизиққан соҳалари бўйича етарлича маълумот олишди.

Ҳудуддаги 15 та ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилаётган 1500 нафардан зиёд ишчи-ходимнинг 1000 нафарини ёшлар ташкил этиши, айниқса, «Динар» ва «Медисалфарм» корхоналаридаги қизғин иш жараёни битирувчилар қизиқишига сабаб бўлди.

**Файзуллоҳ ДАДАЖОНОВ,**
Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



# Аҳолига яратилган ҳар бир қулайлик – мамлакат тараққиёти йўлидаги муҳим қадамдир

◄1

Албатта, қилган ишларимиз баҳосини халқимиз беради. Энг одил ҳакам халқимизнинг ўзидир.

**– Хоразм вилояти мамлакатимизнинг хорижий инвестициялар энг кам жалб қилинаётган ҳудудларидан бири. Бунинг сабабларини нималарда кўрасиз?**

– Вилоятимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётган бир нечта омилларни санаб ўтиш мумкин. Биринчидан, вилоят ҳудудида табиий хомашё ва ресурслар мавжуд эмас. Иккинчидан, муҳим инфратузилмавий ресурслар – электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви ва канализация тизимлари таъминотида муаммолар мавжуд. Учинчидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг шўрланиш даражаси юқори ва логистика хизматлари жаҳон андозалари даражасида ривожланмаган.

Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Вақтни «эссиз», «қанийди», «кошкийди»лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа умр экан» деб ёзиб қолдирган. Биз ҳам турли баҳоналар билан қўл қовуштириб ўтиришни ўзимизга эп кўраётганимиз йўқ. Вилоятимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун кўраётган чораларимиз бесамар кетмаяпти. 2018 йилда вилоятга жами 3 трлн. сўм инвестиция киритилган бўлиб, 2017 йилга нисбатан 22,8 фоизга ошган. Бугунги кунда вилоятда хорижий капитал иштирокидаги 79 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Вилоятимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича умумий қиймати 560 млн. долларга тенг бўлган янги истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилди. 2018 йил давомида халқаро кредит линиялари орқали тадбиркорларимизга 57 млн. доллар миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ушбу имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига 115 та лойиҳа доирасида 113 гектар замонавий иссиқхоналар, 1500 дан ортиқ чорва моллари ва 125 мингта паррандаларнинг парвариши, 5350 тонна маҳсулотлар сақлаш қувватига эга замонавий совиткичли сиғимлар ташкил қилиниши ҳамда 200 тонна сутни қайта ишлаш қувватлари яратилиши йўлга қўйилади.

Жорий йилнинг 5-6 апрель кунлари вилоятимизда биринчи маротаба хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кенг қамровли тадбир – Халқаро инвестицион форум ўтказишни режалаштирганмиз. Унда халқаро банк-молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг бизнес ҳамжамияти вакиллари иштирок этишлари кўзда тутилган. Анжуман якунларига кўра, вилоятга кириб келадиган хорижий инвестициялар оқимини бир неча баробарга ошириш кўзланган.

Шуларни инобатга олган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, хорижий инвестицияларни жалб қилишда бошқа ҳудудлардан нисбатан орқада қолаётганлигимиз, бу – вақтинчалик ҳолат. Бугунги кунда олдимизда турган режаларимизни амалга ошириб, хорижий инвестициялар ҳажмини бир неча баробарга ошириш ва бу борадаги энг илғор ҳудудлардан бирига айланиш имкониятимиз бор.

**– Кейинги пайтларда Урганч шаҳрида тез-тез чанг кўтарилаётир. Буни фақат экологик вазият билан изоҳлаб бўлмайди. Балки, шаҳарда ободонлаштириш тадбирлари тўғри ташкил қилинмагани ҳам бунга сабаб бўлаётгандир? Ҳудудда экологик барқарорликни таъминлаш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилаётир?**

– Кўтарилаётган чанг ободонлаштириш ишлари тўғри ташкил қилинмагани билан боғлиқ эмас. «Хоразмгидрометеорология» бошқармаси мутахассислари билан таҳлил қилганимизда, бу ҳолат ёғингарчилик йўқ вақтда кучли шамол натижасида Устюртдан, Туркманистон Республикаси Дошҳовуз вилоятидаги ва Туркманобод ҳудудидаги чўллардан, Қизилқумдан кўтарилган қум ва чанглар вилоят ҳудудига кириб келиши билан боғлиқ эканини аниқланди. Буни бартараф қилишнинг ягона йўли экологик мувозанатни барқарорлаштириш чораларини кучайтиришдир.

Шу мақсадда, ўрмон хўжалигини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, боғлар ва гулзорлар ташкил қилишни кенг қулоч ёйдириш, қишлоқ хўжалигида сув кўп талаб қиладиган экинлар етиштиришни камайтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш чораларини кўряпмиз. Шу билан бир қаторда, ободонлаштириш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Биз азалдан саранжом-саришталикни қадрловчи халқмиз. Ободонлаштириш тадбирлари экологик муҳитни яхшилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда вилоятимизда ландшафт дизайни асосидаги хиёбонлар сони кўпаймоқда. Йўл бўйларига дарахтлар экиш, гулзорлар ташкил қилиш борасида аниқ чоралар кўрилмоқда. Қишлоқларда чиқинди қутилари ташкил қилинмоқда. Сув объектлари ҳамда қирғоқ бўйи ободонлаштирилмоқда.

Кўп қаватли уйлар атрофларини тартибга келтириш ҳам экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Хоразм вилоятида 1249 та кўп қаватли уй-жойлар бўлиб, уларга 79 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Ўтган йили 384 та объектда таъмирлаш ишлари якунланди. Шунингдек, «Оролбўйи минтақасини ривожлантириш» жамғармаси ҳисобидан 105 та кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларда ободонлаштириш ишлари бажарилди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида 9 та , «Обод маҳалла» дастури бўйича 105 та кўп хонадонли уйлар таъмирланди. 2019 йилда 198 та кўп хонадонли уйларни таъмирлаш, «Оролбўйи минтақасини ривожлантириш» жамғармаси ҳисобидан 127 та кўп хонадонли уйларни таъмирлаш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш режалаштирилган.

**– Жозибаси Самарқанд-у Бухородан кам бўлмагани ҳолда Хивага ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар сонида катта фарқ бор. Балки Хивага темир йўл келиши ушбу фарқни камайтириши мумкиндир. Зеро, ҳудудда туризм логистикасини талаб даражасида ташкил қилмасдан, хизмат кўрсатиш сифатини оширмасдан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу ҳақда фикрингиз қандай?**

– Бу ҳолатни тан оламиз. Аммо сабаблари ҳам бор. Дейлик, тезюрар темир йўл линиясининг Хива шаҳригача етиб келмаганлиги, вилоятда туристик синфга мансуб автотранспорт воситаларининг етишмаслиги, халқаро «ловкоустер», яъни арзон нархларда қатновларни амалга оширувчи авиакомпанияларнинг фаолияти йўлга қўйилмаганлиги, бунинг натижасида тўғридан-тўғри ва чартер рейсларни амалга оширишда муаммолар тез-тез вужудга келиб туриши хорижлик сайёҳларнинг вилоятимизга ташрифини камайтиради.

Хивага темир йўл келиши ушбу муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этади. Қолаверса, 2019 йил давомида қўшимча «Франкфурт-Урганч-Тошкент», «Истанбул-Урганч-Тошкент», «Фуцзянь-Урганч-Тошкент» «Деҳли-Урганч-Тошкент» ва «Волгоград-Урганч-Тошкент» ва бошқа йирик шаҳарлардан авиақатновларни йўлга қўйиш ва бу орқали вилоятимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сонини 2,7 бараварга ошириш режалаштирилган.

Туризмни ривожлантириш борасида кейинги икки йилда қатор ишлар қилинганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. «Қовун сайли», «Рақс сеҳри» халқаро фестиваллари уюштириб келинмоқда. Ўтган йили Президент совринни учун Паҳлавон Маҳмуд номидаги биринчи халқаро турнир ташкил қилинди. Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро олимпиада ўтказилганлиги ёшларни буюк аждодларга муносиб ворис бўлишга, дунё нигоҳини Хоразмга қаратишга ундовчи муҳим тадбирлардан бири бўлди.

2019 йилда бу каби тадбирлар кўлами янада кенгаяди. Хусусан, 30 та туристик тоифадаги замонавий автобус сотиб олмоқчимиз. Шунда уларнинг сони 65 тага етади. Хива шаҳрида миллий шаҳарсозлик намуналари асосида қурилиш ишлари бошланмоқда. «Қадимий Хоразм тарихи», «Хоразмшоҳлар» ва «Хоразм давлати хонлари» музей экспозицияларини яратиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2019-2020 йилларда туризм соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари дастури шакллантирилган бўлиб, унга кўра, 306,6 млрд. сўм маҳаллий ва 39,0 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Натижада 97 та лойиҳа амалга оширилиб, 1300 дан зиёд янги иш ўрни яратилади. Демак, яқин келажакда Хивага келадиган сайёҳлар сони Бухоро ва Самарқандга ташриф буюрадиган меҳмонларникига тенглашади, керак бўлса кўпаяди ҳам.

**– Муҳтарам Президентимиз 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қатор топшириқлар берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси қай даражада уддаланяпти? Хусусан, 2019 йилда вилоятда нечта муқим иш ўрни яратилади?**

– Ушбу вазифалар фаолиятимиз дастуриламалига айланган. Хусусан, «Урганч-Шовот» автомобиль йўли йўналиши бўйлаб жойлашган 35,2 км. ирригация-мелиорация тармоқларини тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Йиллар давомида вилоятдаги сув, коллектор-дренаж йўллари издан чиқиб, шўрланиш даражаси ортиб, фойдаланишдан чиқиб кетган 20,3 минг гектар майдонни 2019-2020 йилларда фойдаланишга йўналтириш бўйича ишлар бошланди. 2000 гектар интенсив боғ, 1880 гектар майдонга қовун, 2000 гектар майдонга озуқа экинлари ва бошқа экинларни экиш белгиланди.

Яна бир устувор вазифа 2019-2021 йиллар давомида вилоят бўйича 3-7 ёшгача бўлган болалар қамровини 75 фоизга етказиш бўйича 2019 йилда 776 та давлат-хусусий шериклиги асосидаги мактабгача таълим муассасалари ташкил қилиш эътиборимиз марказида.

Туризмни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Тарихимизни қайта ўрганиш, таълим сифатини, тиббий хизмат сифатини яхшилаш чоралари ҳам кучайтирилмоқда.

2019 йилда 49 мингдан зиёд аҳолининг бандлигини таъминлашни белгилаб олганмиз. Уларнинг 33 минг нафардан ортиғи доимий янги иш ўринларига жойлаштирилади. Мавсумий ва даромаднинг бошқа манбаларини излаш орқали қолган юртдошларимизга иш ўринлари ташкил этилади. Умуман, бандлик ўта муҳим масала бўлиб, бунинг учун барча зарур чораларни максимал даражада қўллаймиз.

**– Вилоят аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун яна қандай тадбирларни қўллашни режалаштиряпсиз? Хусусан, бугун вилоят аҳли, айниқса, чекка ҳудудлар аҳолиси табиий газ таъминоти ва ички йўллар ҳолатидан қониқмайди. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?**

– Биринчидан, 2019 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида қурилиш-ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Турар жойлар барпо этиш кўлами янада оширилади.

Йил давомида паррандачилик, иссиқхоналарни ташкил этиш, томорқа ер майдонларида мевали дарахт етиштириш ва бошқа мақсадларни молиялаштириш учун вилоят бўйича 100 млрд. сўм миқдорида имтиёзли шартларда маблағ ажратилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини янада яхшилаш мақсадида 426,3 км. ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 220 километрида жорий таъмирлаш, 8 километрини реконструкция қилиш, 10 километрида тўла таъмирлаш ишлари олиб борилади. Умуман, 2019 йил давомида жами 878 км. узунликдаги йўлларни таъмирлаш белгиланган.

Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. 2018 йил давомида «Обод қишлоқ» дастури доирасида 39,4 километр газ қувурлари тартибга келтирилди. Табиий газ етиб бормайдиган ҳудудларга 2992 дона маиший газ баллонлари тарқатилди. 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастури бўйича 48,9 километр газ қувурларини тартибга келтириш, 38,1 километр газ қувурларини демонтаж қилиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Бу каби чора-тадбирлар аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Амалга ошириладиган шу ва бошқа чора-тадбирларимиз аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бу эса юртдошларимизни давлатимиздан рози бўлган ҳолда, ўз фуқаролик бурчларини масъулият билан бажаришга ундашига ишонаман.



Суҳбатдош:
**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
«Ishonch»

## Билиб қўйган яхши

**2019 йил март ойи учун иш ва дам олиш кунлари календари**

| Сана | Ҳафта куни | 5 кунлик | 6 кунлик | Сана | Ҳафта куни | 5 кунлик | 6 кунлик | Сана | Ҳафта куни | 5 кунлик | 6 кунлик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 март | жума | иш куни | иш куни | 11 март | душ | иш куни | иш куни | 21 март | пай | дам олиш | дам олиш |
| 2 март | шан | дам олиш | иш куни | 12 март | сеш | иш куни | иш куни | 22 март | жума | дам олиш | дам олиш |
| 3 март | якш | дам олиш | дам олиш | 13 март | чор | иш куни | иш куни | 23 март | шан | дам олиш | иш куни |
| 4 март | душ | иш куни | иш куни | 14 март | пай | иш куни | иш куни | 24 март | якш | дам олиш | дам олиш |
| 5 март | сеш | иш куни | иш куни | 15 март | жума | иш куни | иш куни | 25 март | душ | иш куни | иш куни |
| 6 март | чор | иш куни | иш куни | 16 март | шан | дам олиш | иш куни | 26 март | сеш | иш куни | иш куни |
| 7 март | пай | иш куни | иш куни | 17 март | якш | дам олиш | дам олиш | 27 март | чор | иш куни | иш куни |
| 8 март | жума | дам олиш | дам олиш | 18 март | душ | иш куни | иш куни | 28 март | пай | иш куни | иш куни |
| 9 март | шан | дам олиш | иш куни | 19 март | сеш | иш куни | иш куни | 29 март | жума | иш куни | иш куни |
| 10 март | якш | дам олиш | дам олиш | 20 март | чор | иш куни | иш куни | 30 март | шан | дам олиш | иш куни |
| 5 кунлик иш ҳафтаси учун: иш куни - 18 кун; дам олиш куни - 13 кун<br>6 кунлик иш ҳафтаси учун: иш куни - 23 кун; дам олиш куни - 8 кун | | | | | | | | 31 март | якш | дам олиш | дам олиш |

# Наврўз байрамида неча кун дам оламиз?

**Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги «2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони билан 2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунлар белгиланиб, дам олиш кунлари кўчирилган эди.**

Қуйида байрам муносабати билан бўладиган дам олиш кунлари ҳақидаги маълумотни келтирамиз:

***Ҳафтасига 5 кун ишловчи ходимларга қуйидаги кунлар (4 кун кетма-кет) дам олиш куни ҳисобланади:***

*21 март – пайшанба (Наврўз байрами);*
*22 март – жума (қўшимча дам олиш куни);*
*23 март – шанба;*
*24 март – якшанба.*

Шундай қилиб, Наврўз байрами муносабати билан бу йил ҳафтасига 5 кун ишловчи юртдошларимиз кетма-кет 4 кун дам олишади.

***Ҳафтасига 6 кун ишловчи ходимларга қуйидаги кунлар дам олиш куни ҳисобланади:***

21 март – пайшанба (Наврўз байрами);
22 март – жума (қўшимча дам олиш куни);
24 март – якшанба.

Ҳафтасига 6 кун ишловчи ходимлар 23 март (шанба) куни ишга чиқишлари лозим.

**Интизор АБДИРИМОВА,**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси



«Оғриқ тишлар...»

# ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИШ МУМКИНМИ?

*ёхуд ҳисоблагичлар давлат стандартидан қандай ўтказилмоқда*

**Ҳозирги пайтда аксарият хонадонларда электр, газ, сув истеъмоли махсус ҳисоблагичлар ёрдамида аниқланмоқда. Бу таъминотчи учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам бирдек фойдали. Фақат улар муайян муддатда давлат стандартидан ўтказиб турилиши керак.**





Аслида, бу тадбир мосламанинг созлиги ёки бузуқлигини текшириб туриш мақсадида амалга оширилади. Айни шу жараёнда кўпчилик бир муаммога дуч келмоқда. Бу ташвишни яқинда ўзим бошимдан ўтказдим. Ҳамма машмаша сув таъминоти идораси ходимларининг хонадонимга ўрнатилган сув ҳисоблагични давлат стандартидан ўтказишим зарурлиги тўғрисида огоҳлантиришидан сўнг бошланди. Табиийки, мен бунинг учун нима қилишим кераклигини сўрадим. Улар ҳисоблагични жойидан ечиб олиб, бу ҳақда далолатнома тузилиши шарт эканлигини айтишди. Мен рози бўлдим.

Ана шунда бу хизматни бажарувчиларнинг «сири» ошкор бўлди. Гап шундаки, улар «Ўзимиз далолатномани тузамиз, ўзимиз ечиб олиб, стандартдан ўтказамиз, ўзимиз жойига қўйиб берамиз. Хизмат ҳақи олтмиш минг сўм бўлади», дейишди. Бироқ мен бу хуфёна таклифга кўнмадим. Иссиқ сув таъминоти идорасига бориб, ҳисоблагични ечиб бериш ва бу ҳақда далолатнома тузишни сўраб ариза ёздим. Ажабланарлиси, орадан ҳафталар ўтса-да, идорадан ҳеч ким келмади. Анча асаббузарликлардан кейин тегишли далолатнома тузилди. Сув ўлчагични ечиб олиб, стандартчиларга учрашдим. Улар ҳисоблагични алоҳида стандартдан ўтказиб, эвазига салкам ўн минг сўм олишди. Кейин эса «Энди таъмирлашга топширинг» дейишди. Топширдим. Таъмирлаш ҳақи 18 минг сўм экан (Энг қизиғи, бу ишни бирданига бажариб бўлмас экан. Тартиб шунақа эмиш!). Ва яна 10 минг сўмга стандартдан ўтказдим. Илгари керак бўлмаган стандартдан ўтказиш 38 минг бўлди. Яхши томони – «ўртакаш»лар хизматидан воз кечганим туфайли 22 минг сўм фойда кўрдим.

«Қойил» дейишга шошилманг! Чунки бунга осонлик билан эришмадим. Биринчи бор Тошкент шаҳар стандартлаштириш идорасига борганимда у ердагилар менга шартнома беришмади. Сабабини сўрасам, фақат юридик шахслар билан шартнома тузилишини маълум қилишди. Мен бундай бўлиши мумкин эмаслигини қатъий таъкидлаб, талаб қилганимдан сўнг базўр шартнома тутқазишди. Аммо унда на раҳбарнинг имзоси, на корхона муҳри бор эди. Энг қизиғи, кассадагилар тўланган пулга берилиши керак бўлган чиптани менга раво кўришмади. Яна даҳанаки жанжалдан кейин тўлов чиптасининг кўчирма нусхасини беришга мажбур бўлишди. Масалага аниқлик киритиш мақсадида ташкилот юристи С.Ҳасановага учрашдим. У кимларнидир чақириб, турли тушунтиришлар беришга ҳаракат қилди. Мен эса бирор натижага эришолмай тақдирга тан бериб, чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Таъбир жоиз бўлса, қилни қирқ ёролмадим. Лекин «бу норасмий-чаласрасмий шартномалар олиб қолинган асл чипталар қачонлардир ва қаерлардадир қилни қирқ ёришга ёрдам беради», деган ишонч мени ҳали тарк этгани йўқ. Чунки «қилни қирқ ёрадиган» мутасаддилар бу масалага бир эътибор қаратишса, мен тополмаган калаванинг учи топилса, ажаб эмас. Нима дедингиз?

**Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ**

## Ҳикмат

***Виждонли ва инсофсиз одамларни нафақат бажараётган амалларидан, балки хоҳиш-истакларидан ҳам билиб олиш мумкин.***

ДЕМОКРИТ

*Фарғона вилояти*

Кўрик-танлов

# Зукколар орамизда

**«Фарғона ёғ-мой» АЖ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Нефтчи» маданият саройида Фарғона водийсида фаолият олиб бораётган «Андижон ёғ-мой» АЖ, «Асака ёғ-мой» АЖ, «Наманган тола текстиль» МЧЖ, «Қўқон ёғ-мой»АЖ ҳамда «Фарғона ёғ-мой» АЖ жамоаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида «Муқаддассан, аёл» кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.**



Беллашув асноси ҳар бир иштирокчи 4 та шарт бўйича иқтидори, зукколиги, топқирлиги ва моҳир пазандалигини намойиш этди. Танлов якунига кўра «Қўқон ёғ-мой» АЖ ишчиси Ўғилхон Шомуродова 3-ўрин, «Наманган тола текстил» МЧЖ шарафини ҳимоя қилган Гулмира Ўринбоева 2-ўрин, «Фарғона ёғ-мой» АЖ ҳамшираси Соҳибахон Эрматова 1-ўринга муносиб кўрилди.

– Ушбу кўрик-танлов анъанавий тарзда уч йилдан буён ўтказиб келинмоқда, – дейди «Фарғона ёғ-мой» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Неъматжон Худоёров. – Қувонарлиси, иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу танловда ходимлар нафақат беллашадилар, балки ўзаро тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўладилар.

– Гарчи, ўрин олиш насиб этмаган бўлса ҳам, ажойиб дўстлар орттирдим, – дейди «Асака ёғ-мой» АЖ стандартларга риоя қилиш ва сифат назорати бўлими техник лаборанти Шоҳистахон Султонова. – Кейинги танловларга янада пухта тайёргарлик кўриб, совринли ўринни олишга ҳаракат қиламан. Ушбу ажойиб танловни ташкил этиб, ҳамкасбларни бирлаштираётган ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Танлов ғолиблари «Фарғона ёғ-мой» АЖ ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Жозиба» рақс дастасининг чиқишлари ва ажойиб куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди.

**Назиржон АМИНЖОНОВ,**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси

*Наманган вилояти*

**«Қамчиқавтойўл ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси» директори Абдулбоқи Иззатуллаев ходимларга жуда ғамхўр. Бундай эътибор меҳнаткашларнинг кайфиятини кўтариб, иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.**

Ғамхўрлик

# Йўлсозлар кайфияти аъло

Яқинда корхонанинг 800 нафар ходими Наманган шаҳридаги Алишер Навоий мусиқали драма театрида намойиш этилган «Боғбон қиз» номли спектакль томошасига олиб борилди.

– Тўғри, иш жойимиз билан марказ ораси анча олис, аммо ходимларнинг қувончи ҳар қандай машаққатни бир зумда тарқатиб юборади, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Мамиржон Назиралиев. – Дарвоқе, Наврўз байрами арафасида ҳам ходимларнинг Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳатини ташкиллаштирмоқдамиз. Мақсадимиз – уларнинг кайфиятини кўтариш, ҳар бир кундан розилик туйғусини барқарорлаштиришдир.

**Феруза ЭРМАТОВА,**
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотларининг бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

*Хоразм вилояти*

**Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасида 1632 ходим фаолият кўрсатади. Шундан 185 нафари аёллардир. Бошқармага қарашли корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг манфаатлари мустаҳкам ҳимояда. Бунда жамоа шартномаси муҳим ўрин тутади.**

Ижтимоий ҳимоя

# Барака – ҳамжиҳатликда

Ушбу ҳужжатда белгиланган шартлар асосида маъмурият томонидан ишчи-хизматчиларга тўй ва маъракаларини ўтказишда моддий ёрдам берилмоқда. Бепул транспорт хизматлари кўрсатиляпти. Байрамларда мукофот пуллари ажратилаётир. Қолаверса, энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида овқат пули, ойлик маошининг 15 фоизи миқдорида кўчма иш характери тўлови, энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида йўл пули тўлаб келинмоқда.

Шунингдек, ташкилотга қарашли корхоналарда ишлаётган пенсионерларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш кунини бир соатга қисқартириш, меҳнат таътилига уч кун қўшиб бериш, юбилей саналари муносабати билан мукофотлаш каби имтиёзлар жорий этилган.

2018 йилда тасарруфимиздаги корхона ва ташкилотлар томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларга 345587,0 минг сўм маблағ ажратилди. Бунда, биринчи навбатда, ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари, яъни махсус кийим-бош, махсус пойабзал, ҳимоя кўзойнаклари, ёнғинга қарши қалқонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирлар доимий назорат остида. Меҳнат қонунларига риоя қилиш, саноат санитарияси, меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги, электр хавфсизлиги, юк кўтариш хавфсизлиги, корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яхшилаш ишларига эътибор бирламчи вазифалар сирасига киради.

2018 йилда ташкилот бўйича ўртача иш ҳақи 1395,0 минг сўмни ташкил этди. Тасарруфимиздаги корхоналарда ишлаётган 11 нафар ходимга биринчи марта никоҳдан ўтаётганлиги муносабати билан 21530 минг сўмдан зиёд, меҳнат таътилига чиқаётганда 560 нафар ходимга 448876 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Корхонада камида 10 йил ишлаб пенсияга чиққан ходимларнинг 27 нафарига 1447 минг сўм моддий кўмак кўрсатилди. Юбилей санаси муносабати билан 12 нафар ходимга 9089,1 минг сўм ажратилди. Кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакилларидан 7 нафарига 3521,8 минг сўм моддий ёрдам берилди.

Жамоамиз аҳил, бирдам. Ташкилотга қарашли республика, вилоят аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш, қишки қаров ва ободонлаштириш тадбирлари ўз муддатида сифатли бажарилиб келинмоқда.

**Отабек МАШАРИПОВ,**
Хоразм вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси

*Қашқадарё вилояти*

Фидойиларимиз

**«Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасида 1400 нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Катта корхонанинг ташвиш-у муаммолари ҳам шунга яраша. Кўп сонли жамоанинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунда касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Ашировнинг ўзига хос ҳиссаси бор.**

# Эзгулик улашиб топди эҳтиром

– Касаба уюшма соҳасига кириб келганимга йигирма йилдан ошди, – дейди Анвар ака. – Техник жараёнларни автоматик бошқариш тизимлари цехида цех касаба уюшмаси етакчиси эдим. Корхонада эса Исроил Жўраев қўмита раиси бўлиб ишларди. У кишидан кўп нарсаларни ўргандим. Аъзоларнинг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, хавфсиз иш жойлари яратиш, меҳнат муҳофазаси тадбирларини ўтказиш ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш асосий юмушларимиз сирасига кирарди. Бир йиғилишда директор корхона касаба уюшма қўмитаси раислигига номзодимни тавсия қилиб қолди. Устозим Исроил ака ва жамоа аъзолари таклифни қўллаб-қувватлашди. Директорнинг ўшанда айтган гаплари кечагидек ёдимда: «Биз ёш мутахассисга ишонч билдирмоқдамиз. Ўйлаймизки, у ўзига бўлган талабчанликни ошириб, иш берувчи билан ижтимоий шерикликда ходимлар манфаати учун хизмат қилади».

Устозлар ўгитига амал қилган Анвар Аширов ташаббускорликни бир дам эсдан чиқармади.

Мана бир мисол. Муқаддам корхона балансида бўлган Амир Темур номидаги маданият саройи «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти раҳбарининг буйруғига кўра кимошди савдосига қўйилганди. Касабақўм раиси корхона директори билан мазкур масала юзасидан музокара ўтказиб, маданият саройининг касаба уюшма қўмитаси балансида сақланиб қолишига эришди. Ўтган йили эса иш берувчи маблағлари ҳисобидан ушбу маданият саройида 300 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиб, маскан замонавий кўринишга келтирилди. Иситиш, совитиш, овоз кучайтиргич анжомлари билан жиҳозланди, ўриндиқлари янгиланди. Бугун бу ерда турли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Корхонага қарашли оромгоҳ йўқлиги боис, ёзги мавсумда ходимлар фарзандларини соғломлаштиришда қийинчиликларга дуч келинарди. 2014 йилда касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан корхона ўзининг болалар оромгоҳига эга бўлди. Яккабоғ туманида жойлашган, Қарши тумани сув хўжалиги бўлимига қарашли, анча вақтдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган оромгоҳ унитар корхона балансига ўтказилганлиги натижасида «Соҳибқирон» оромгоҳида ҳар мавсумда 1000 нафарга яқин ўғил-қиз дам олдириляпти.

«Ўзбекэнерго» АЖ томонидан 2016–2017 йилларда корхонадан 272 нафар ходимни қисқартириш бўйича кўрсатма берилди. Касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан иш берувчига тақдимнома киритилиб, 87 нафар ходимнинг иш ўрни сақлаб қолинди. Бу эса умумий қисқарувчиларнинг 31 фоизини ташкил этарди.

Яна бир таҳсинга лойиқ жиҳат, корхонада ўтадиган байрам тадбирларида турфа миллат вакиллари ўз урф-одатлари, қадриятларини ифодаловчи саҳна кўринишлари, маданий дастурлар тайёрлашади. Албатта, бу ишларнинг бошида касаба уюшма қўмитаси етакчиси туради.

Ҳар йили Хотин-қизлар байрами арафасида «Санамлар сарвари» кўрик-танлови ўтиши анъанага айланган. Наврўз байрами муносабати билан сумалак сайли уюштирилади. Янги йил байрами эса шодлик ва хуррамлик айёмига айланиб кетади. Корхона ишчиларининг ўз мусиқий дастаси бўлиб, байрам тадбирлари уларсиз ўтмайди.



2019 йил бошида корхонада «Аёллар ижтимоий кўникма маркази» фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 100 нафардан зиёд хотин-қизлар у ерда фитнес, ошпазлик (пишириқлар тайёрлаш), кутубхона бўлимларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишаётир.

Корхонада боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхоналардан иборат тўртта ёрдамчи хўжалик мавжуд. Етиштирилган маҳсулотлар ишчиларга арзонлаштирилган нархларда сотилади. Зарарли шароитларда ишлайдиган ходимларга сут-қатиқ маҳсулотлари берилияпти.

Эътиборлиси, 100 нафар ходимга намунали уй олиши учун 15 йил муддатга фоизсиз ссудалар ажратилди.

Қўмита таркибида саккиз нафар аъзодан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия иши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, 49 нафар жамоатчи вакил фаолият юритади.

Ишларнинг намунали йўлга қўйилгани натижасида 2018 йилда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида «Энг яхши корхона» номинациясида фахрли биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Барча ходимлар корхона маблағлари ҳисобидан тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади, иш ўринлари шаҳодатланган. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси тадбирларининг ўз вақтида ўтказилиши туфайли сўнгги уч йилда корхонада бахтсиз ҳодисалар кузатилмади.

– Амалда бўлган жамоа шартномасида ходимлар учун кўплаб имтиёзлар белгиланган, – деди Анвар Аширов. – Жумладан, ходим бемор бўлганда даволаниш учун сарфланган харажатларнинг 50 фоизи иш берувчи ва касаба уюшма маблағларидан қоплаб берилмоқда. Масалан, 2018 йилда 21 нафар ходимга 31 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, 67 нафар ходимга ижтимоий суғурта маблағларидан ташқари, тўғридан-тўғри шартнома орқали сиҳатгоҳларга йўлланма олиб берилди. 50 нафар ходим Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига уч кунлик саёҳатга олиб борилиб, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Саёҳатчилар, бундан ташқари, пойтахтда Муқимий номидаги театрда спектакль томоша қилиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришди.

2017-2018 йилларда корхонада Жанубий Кореянинг «Huyndai» компанияси билан ҳамкорликда иккита буғ-газ қурилмаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада 60 та янги иш ўрни яратилиб, электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 800 мегаваттдан 1700 мегаваттга етди.

Унитар корхона директори Абдусами Нормўминовнинг ходимларга янада қулай иш шароитлари яратиш, иш ҳақлари ўз вақтида берилиши, ходимлар мурожаатлари ижобий ҳал этилишида ҳиссаси катта бўляпти. Айни чоғда иш сўраб, мурожаат қилувчилар кўп. Шу боис, корхона таъсисчилигида кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этиш режаси бор.

Ана энди билгандирсиз, касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Ашировнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ehtirom nishoni» билан мукофотлангани бежиз эмаслигини.

– Кўксингизга «Ehtirom nishoni»ни тақишаётганда хаёлингиздан нималар кечди? – сўраймиз Анвар акадан.

– Албатта, ҳаяжонландим. Бу юксак мукофот нафақат менга, балки меҳнат жамоамизга берилган ишонч намунасидир. «Ehtirom nishoni» меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада чуқурроқ, сермаҳсулроқ ифода этишда қўшимча куч-қувват ва шижоат бағишлайди.



**Акмал АБДИЕВ**
**«Ishonch»**



# ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

## НАМАНГАНДАН ХОРАЗМГАЧА

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳати ташкиллаштирилди. Очиқ осмон остидаги тарихий обидалар, бинолар, халқимиз ўтмишига оид маълумотлар саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

## ЖАМОА ИШТИРОКИДА

Жондор тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-умумтаълим мактаби жамоаси иштирокида 2017-2019 йиллар учун жамоа шартномасининг 2018 йилда бажарилиши бўйича йиғилиш ўтказилди.

Унда жамоа шартномасининг 2019 йилга оид бандлари ижросини таъминлаш бўйича тарафларнинг режалари келишиб олинди.

## ҒОЛИБЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича ўтказилаётган республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти бўйича биринчи босқичи якунланди.

Номинациялар бўйича тармоқлар кесимида «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ, «JU MAN AVTO-UZBEKISTAN» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона, Самарқанд йўл қурилиш-таъмирлаш унитар корхонаси, «Каттақўрғон парранда» МЧЖ ва бошқа қатор корхоналар кўрик-танловнинг кейинги босқичига йўл олишди.

## СПОРТ ҲАФТАЛИГИ

«Ботаника санаторийси» МЧЖда «Аёллар спорт ҳафталиги» ўтказилди. Мусобақаларда 30 нафар аёл ходима иштирок этди.

Спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси, 100 метр масофага югуриш турлари бўйича беллашувларда ғолиблар аниқланиб, уларга санаторий маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

## КАСАБА УЮШМАСИ ВА АЁЛ

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан «Касаба уюшмаси ва аёл: реал ҳолат, муаммо ва истиқбол» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари ва фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбир якунида касаба уюшмалари тизимида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган фахрий аёлларга байрам совғалари тақдим этилди.

## АСКАРЛАРГА ТУҲФА

Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлғуси аскарларни кузатишга бағишлаб ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар қатнашди.

Тадбирда ҳарбий хизматга йўл олган 196 нафар йигитга шахсий гигиена воситалари жамламаси ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, ёшлар кенгашларининг туҳфалари топширилди.

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ УЛУҒЛАНДИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан «Мурувват» ногиронлар учун аёллар интернат-уйида узоқ йиллар давомида сидқидилдан фидокорона меҳнат қилиб келаётган 50 нафар касаба уюшма аъзоси тақдирланди.

## «ИНДОРАМА»ДА ИСТЕЪДОДЛАР БОР

«Индорама Қўқон текстиль» қўшма корхонасида «Сен азиз ва муқаддассан, аёл!» шиори остида ташкил этилган байрам тадбирида корхона аёллари ўртасида расм чизиш, қўшиқ куйлаш, рақс тушиш ва спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. Ғолибларга қўшма корхона касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

## САЁҲАТ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлардаги фаол ва ташаббускор аёллар рағбатлантирилди. Турли соҳаларда эркаклар билан тенгма-тенг ишлаш баробарида жамоат ишларида фаоллиги учун уларга ташаккур билдирилди.

Жумладан, Сирдарё вилояти ер-мулк кадастр хизмати касаба уюшмаси томонидан 20 нафар аёлга Самарқанд шаҳрига саёҳат йўлланмалари совға қилинди.

## САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

«Сирдарё электр тармоқлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Спорт – саломатлик гарови» деб номланган спартакиада ўтказилди. Мусобақада олтмиш нафардан зиёд ишчи-ходим иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз ўтган мусобақа ғолибларига касаба уюшма қўмитаси совғалари топширилди.

**«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Солиқ тўловчининг идентификация рақами» бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳужжатларда қисқача шаклда «СТИР» деб юритилишини кўпчилик яхши билади. Шу десангиз, кишиларнинг маълум бир гуруҳ, тоифа ёки ҳудудга мансублигини ифодаловчи «синфдош», «курсдош», «касбдош», «маҳалладош», «юртдош» каби сўзлар қаторига «СТИРдош» деган замонавий атама ҳам қўшилиш арафасида. Андижонлик фуқаронинг бир энлик маълумотнома олиш жараёнидаги асаббузарликлари ортидан айни шу ҳодиса юз бердики, солиқ органлари ходимларининг «ўзига хос» иш тутуми тилшунослик ривожига ҳам ҳисса қўшаётганини эътироф этмоқ жоиз.

«СТИР»дошим қайдасиз?..»
*Ёки «ёт ўчоғига ёғ қуяётган»идан бехабар солиқ тўловчи саволи*

**Давлат солиқ қўмитаси «Ishonch» газетасининг жорий йил 14 февралдаги сонида чоп этилган «СТИР»дошим қайдасиз?» номли мақолага жавобан қуйидагиларни маълум қилди:**

# Хато тузатилди

«Давлат солиқ хизмати органларида жисмоний шахсларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш махсус автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида амалга оширилади. 2013 йилга қадар мазкур тизимга барча маълумотларни бевосита масъул ходимлар тўлдиргани сабабли, 2003 йилда фуқаро В.Морозовага СТИР бериш жараёнида паспорт маълумотлари нотўғри киритилган ва 460540750 идентификация рақами Ж.Содиқовнинг СТИРи сифатида шаклланган. Айни пайтда ушбу камчилик бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари маълумотлар базаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базасига интеграциялаштирилиб, СТИР олиш жараёнида маълумотларни киритиш автоматлаштирилди ва шу каби номувофиқликлар юзага келишининг олди олинди.

Бундан ташқари, илгари амалга оширилган солиққа оид ҳисоб-китобларни бугунги кунда дастурий маҳсулотлар ёрдамида тўғрилаш имконияти мавжуд.

**Раис ўринбосари Х.ШОКИРОВ**

**«Ishonch» газетасининг шу йил 5 февраль сонида чоп этилган «Унутилган йўллар» мақоласига қуйидагича муносабат билдирилди:**

# Йўллар унутилгани йўқ


«Унутилган» йўллар

Наманган вилоятида 13259,7 км. (69 км. халқаро, 1048 км. давлат, 2260 км. маҳаллий аҳамиятидаги) автомобиль йўллари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига асосан вилоятдаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича бош буюртмачи вазифаси Наманган вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси таркибидаги минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилгани муносабати билан Чуст тумани ҳудудидаги қадимий бозор атрофлари, «Дўппи бозор» кўчаси ва йўл ёқасида жойлашган қадимий «Отчопар эшон хонақоси» ёдгорлиги кўчаларини 2019 йил ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш дастурига киритиш бўйича Чуст тумани ҳокимлигининг ободонлаштириш бўлими томонидан таклиф берилган ва ушбу кўчаларни таъмирлаш ишларини жорий йил давомида амалга ошириш белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелдаги 36-сонли баёнига асосан Наманган шаҳридаги Ҳамроҳ кўчасини реконструкция қилиш объекти, яъни 3,0 км. автомобиль йўлини қайта қуриш ишларига 650,0 млн. сўм, Марғилон кўчасини реконструкция қилиш объекти, 3,0 км. автомобиль йўлини қайта қуриш ишларига 800,0 млн. сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва экспертиза хулосалари олиниб, манзилий рўйхатлар тасдиқланди.

Айни пайтда мазкур кўчаларда вилоят «Сувоқова» ДУК пудратчилари канализация ва ичимлик суви тармоқларини ўтказиш ишларини бажармоқда. Ушбу ишлар якунлангандан сўнг Ҳамроҳ ва Марғилон кўчаларида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.НУРМАТОВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

Долзарб мавзу

**Бундан ўн-ўн беш йил илгари Нукус шаҳрининг айрим ерларида аҳоли турар жойларига хавфли ҳашарот зарар келтираётгани тўғрисидаги хабарлар тарқала бошлади. Узуқ-юлуқ маълумотларга эга бўлганлар иморат қурилиши ва йўлларни таъмирлаш ишларида фойдаланадиган сариқ ҳамда чанокли қумлардан воз кеча бошладилар. Нукус шаҳрида уй-жойга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, ўз навбатида, шаҳар ҳудудининг кенгайишига таъсир кўрсатмоқда.**
**Бу ҳақда кейинроқ мулоҳаза юритган ҳолда ҳозир ўша хавфли мавжудотлар тўғрисида гаплашиб олсак.**

# Термит кўчмайди... кўчиради

## ёхуд унга қарши курашувчи «кўчманчи идора» ҳақида ғамгин ҳикоя



### БУ БАЛО-КУ!

Илмий номи «термит» бўлган қишлоқ одамларини ваҳимага солувчи бу ҳашарот халқ орасида «сариқ чумоли», «оқ чумоли», «ваҳмак», «овсизув» номлари билан маълум. Термитлар Марказий Осиё республикаларида, айниқса, кўп учрайди. Жумладан, мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида анча кенг тарқалган.

Бир термит оиласида 100 мингдан 1 миллионгача ишчи термитлар яшар экан. Табиатда «оқ чумоли» номи билан маълум, иссиқлик ва қоронғиликни ёқтирадиган зараркунандалар, ҳар йили жаҳон иқтисодиётига бир неча миллиард долларлик зарар етказиши айтилмоқда. Ер юзасидан 2-10 метргача чуқур жойларда яшаб кўпаядиган оқ чумолиларнинг она қироличаси фақат еб, тухум қўйиш билан машғул бўлар экан. Улар асосан ёғоч ва ҳар хил ўт-ўланлар билан озиқланувчи ҳашарот целлюлоза кушандасидир. Узунлиги 10-15мм.га тенг ишчи термитларининг оғирлиги 40-50 мг.ни ташкил этиши маълум. Марказий Осиёда ушбу зараркунандаларнинг «Туркистон термити» ва «Катта каспий термити» дея аталувчи турлари мавжуд.

Термитлар чумолисимонлар оиласига мансуб ҳашарот. Улар ернинг намли қатламигача бориб, оғзида сув ва лой олиб чиқади ва емиш учун танланган ёғочнинг очиқ сатҳига лой найча (коридор) кўринишида йўл солишади. Ундан асосан пойдеворсиз қурилган, кўпроқ ёғоч ва сомон ишлатилган иморатлар катта зарар кўради. Чунки бундай биноларда зараркунандаларнинг яшаб, кўпайиши учун қулай шарт-шароит мавжуд.

Қишлоқ шароитида уй солиш учун ёғоч маҳсулотлари қанчалик зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, термитлар кишилар учун бу қадар бош оғриғига айланаётганлигини тушуниш мумкин. Одамларнинг унга биноларни харобага айлантирувчи, маҳв этиб бўлмас душман сифатида қараши ҳам бежиз эмас. Шу сабаб аҳоли орасида «термит кўчмайди, кўчиради...» деган ибора тарқагандир, балки...

### «ҚОЧИБ ҚУТУЛЯПМИЗ»

Бугун Нукус шаҳрининг қатор ҳудудларида термитлар уй қуриб, кўпаймоқда.

– Уйимизга етказилган зарарни шундан билаверинг, икки хонасини йиғиб ташладик, – дейди Нукус шаҳри Убайдуллаев кўчаси 12-жойда яшовчи Карима Каримова. – Термитлар кечалари болаларимизга тинчлик бермайди. Хотиржам ухлашнинг иложи йўқ. Уйимизнинг шифти тушиб кетай деб турибди.

– Зарарли ҳашаротдан жабр кўриб келаётганимизга кўп йиллар бўлди, – дейди Бўзатов кўчаси 36-уйда яшовчи Серегул Пирниязова. – Беш йил аввал термит еган ёғочлар синиб, уйимизнинг томи қулаб тушди. Том тагида қизим Наргиза қолди. Яратганга илтижо қилганимиз бор экан, фарзандимизни 2 соатларда чиқариб олдик. Комага тушишдан қизимни шифокорлар асраб қолишди.

Афсуски, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

### ЧОРА ИЗЛАБ...

Термитлар кўпинча одамларнинг кўзига кўринмайди, чунки ер остида, анча чуқурда ин қуради. Шунинг учун ҳам иморат учун ажратилган ер, аввало, яхшилаб текшириб чиқилса ва ҳашарот борлиги аниқланган тақдирда, чуқур ҳайдалиб, икки-уч марта суғорилса, бу яхши самара бериши мумкин. Қолаверса, қушлар, чумолилар ҳам термитларни йўқ қилишда инсоннинг табиий ёрдамчилари ҳисобланади. Лекин, минг афсуски, бу ҳашаротни, барибир, юз фоиз йўқотиб бўлмайди. Тўғри, бу «сариқ чумолисимон ҳашарот» керосин ёки бензинда осонгина ўлади. Лекин бензин қурғур киммат, бунинг устига ушбу усул билан ҳам термитнинг ҳаммасини қириб битиришнинг иложи йўқ. У яна осонгина кўпайиб кетаверади.

Яна бир жиҳат шуки, айрим тадбиркорлар томонидан ҳар бир донаси 10 минг сўмдан сотилаётган қўлбола хўрак орқали ҳам термитларни йўқотиш мумкин. Аммо уни аҳоли қаердан олишни, қандай ишлатишни ва қандай самара беришини тўла билмайди. Билмагач эса... Ишонмайди.

### КУРАШУВЧИ ИДОРА ЙЎҚМИ?

Миттигина сариқ қурт маҳалла ва қишлоқларга шу қадар катта зарар келтираётгани, уни батамом йўқ қилишга аҳоли ожизлик қилаётганини кўриб, наҳотки бу зараркунандага қарши курашувчи мутасадди ташкилотлар йўқ бўлса, деб ўйлаб қоласан киши.

Аҳоли турар жойлари, маданий-тарихий обидалар, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектлар, ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар ва бошқа турдаги объектларни сақлаш, уларга зарар етказаётган термитларнинг тарқалиши ва уларнинг зарарли фаолиятига қарши курашишни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралида «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга асосан Фанлар академияси Зоология институти ҳузурида ва унинг муассислигида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи «Республика термитларга қарши курашиш маркази» ДУК ташкил этилган. Корхонага мамлакатимиздаги мавжуд ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари билан биргаликда термитлар тарқалган объектларни аниқлаш ҳамда аҳоли ўртасида термитларга қарши курашиш бўйича услубий қўлланмалар, тавсиялар ва йўриқномалар ишлаб чиқариш орқали тушунтириш ишларини олиб бориш юклатилган.

– Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимида термитларни ўрганувчи зоолог олим ёки мутахассис ҳозирча йўқ, – дейди Бош илмий котиб Шарибой Туремуратов. – Бунинг учун махсус лаборатория ташкил этилиши ва қўшимча штат бирликлари белгиланиши талаб этилади.

Нукус шаҳар дезинфекция станциясида эса 3-4 нафар ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг кучи билан имкон қадар амалга оширилаётган ишлар кўламини талабга жавоб беради, деб айтиш қийин. Хавфли ҳашарот сони ортса ортяптики, камаймаяпти.

Нукус шаҳрида термитга қарши курашиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар борасида Қорақалпоғистон дезинфекция станцияси бош шифокори Сапарбай Машарипов билан учрашдик:

– Термитларга қарши курашни имкон борича амалга оширяпмиз, – дейди у. – Зараркунандаларга қарши самарали фаолият олиб боришда ҳамкорлар ва манфаатдор ташкилотларнинг комплекс ёндашуви талаб этилмоқда. Хўжалик ҳисобида иш юритадиган станциямизнинг имконият доираси чекланган. Дезстанциямиз 20 йилдан буён ижара шароитида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам соҳада ривожланиш бўлмаяпти. Агар 2018 йилгача ҳар 2-3 йилда бир маротаба кўчиб юрилган бўлса, шу йилдан бошлаб ҳар 6 ойда кўчишга тўғри келяпти...

Ажабо. Доимий манзилининг, қўним топар жойининг тайини бўлмаган «кўчманчи идора» ходимларидан қандай маълумот сўраб, нима таклиф этиш мумкин экан-а?

### ҚАРОРГА ЭЪТИБОР ҚАНИ?

Юқорида тилга олинган қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига Марказ томонидан термитларнинг табиий ўчоқлари бўлган ва қурилиш учун хавфли деб белгиланган ҳудудларда термитлар бартараф этилмагунга қадар қурилиш учун ер майдонлари ажратилишини тақиқлаш вазифаси топширилган эди. Афсуски, термитлар оиласи бор жойларга бугун ҳам иморатлар солинмоқда. Юртдошларимиз йиллар давомида яхши ниятлар билан йиққан маблағлари эвазига, ҳашаротлар макон тутган ерларда билмасдан ҳовлилар тикламоқда. Хусусан, шаҳарнинг «Таслақ» ОФЙ ҳудудида 2700 та турар жой бинолари бунёд этилган ва яна янги иморатлар қурилмоқда. Ваҳоланки, қум барханларидан иборат ушбу ҳудудда ҳам термитлар уялари мавжудлиги кўпчиликка, хусусан, шаҳар раҳбарларига ҳам маълум эди.

Аммо, негадир, қарор фаромуш этилмоқда.

### ЕЧИМ...

Бугун аҳолини қийнаётган муаммонинг ечими бор. Фақат унга эътибор ва ҳафсала бўлса, бас.

Келинг, уларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, ҳозирда одамларни қийнаётган муаммони бартараф этиш учун Марказ томонидан воҳада махсус дўкон очилса, унда термитларга қарши препаратлар ҳамда хўраклар солинган мосламалар сотилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Иккинчидан, аҳолини термитлар ҳақидаги маълумотлар билан кенгроқ таништириш лозим. Бунинг учун мутахассислар кенгроқ мулоқотларни йўлга қўйиши зарур.

Учинчидан, қарорда дунё амалиётида тан олинган, термитларга қарши чидамли бино ва иншоотлар қуриш тажрибасини ўрганиб, белгиланган тартибда қурилишга жорий қилинишини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб ўтилган. Демак, аҳоли турар жойлари учун ҳашаротлардан холи бўлган, хавфсиз ер майдонларини ажратиш ҳамда «оқ чумоли»лар етказадиган зарарга чидамли кўп қаватли бинолар бунёд этиш зарурати туғилмоқда. Хусусан, замонавий Нукус-City қурилишини ана шундай ҳудудлар, жумладан, «Таслақ» ОФЙ ўрнида бошлаш мумкин.

Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, термитларга нафақат уйига шундай ҳашарот тушган кишилар, балки тегишли мутасадди шахслар ҳам обдан бош қотиришлари керак. Термит балосига дуч келган одамларни бу муаммо билан яккама-якка қолдирмаслик лозим. Термит алоҳида бир уйга эмас, балки бутун ҳудуд иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган зараркунанда сифатида таърифланиши ва шунга муносиб тарзда чоралар кўрилиши талаб этилаётир.



**Ортиқбой МАМУТОВ**
**«Ishonch»**

Надомат

**Қотил деганда кўз олдингизга ким келади? Қўлида қурол тутган, кўзларида ғазаб ва нафратдан ўзга ҳис бўлмаган, аламзада қиёфадаги кас. Ўғри ёки талончи деганда-чи? Кўзлари ўйнаб турадиган, атрофга олазарак боқувчи, юзига манфаат ва зўравонлик нуқси урган бир кимса. Тошкент шаҳар Маданият бошқармаси ва Тошкент шаҳар ИИББ ҲПБ ҳамкорлигида ташкил этилган «Зангиота тарбия колонияси» тарбияланувчилари билан бўлган учрашувга қадар менда ҳам шундай тасаввур бор эди. Дарвоқе, тадбир ҳарбий мактаб ўқувчилари, тарбияси оғир мактаб ўқувчилари учун уюштирилган, уларнинг таассуротлари ва колония ҳаёти билан танишиш учун ОАВ вакилларини ҳам таклиф этишган.**




Мен ўқитувчилари томонидан «безори» деб ҳисобланган болалар ўтирган автобусга чиқдим. Ўқувчилар бу «саёҳат»дан завқланиб, онда-сонда «ўзи қайтариб олиб келасизларми», «етай деб қолдикми?» дея ўқитувчиларидан сўраб қўяди.

Манзилга етиб келдик. Колония ичкарисига киришимиз билан муҳит таъсиридами барчанинг кайфияти ўзгарди. Катта хонада назоратчилар ва 40-50 чоғли ўспирин тадбир бошланишини кутиб турган экан. Ташқаридан кирган ўқувчилар ичкаридагилардан бироз ҳайиқиб четга, иложи борича орқа қаторларга ўтира бошлади. Мен ҳам тарбияланувчиларга қарадим: ҳаммаси бир хил кийимда, сочлари бир текис олинган ўспиринлар. Лекин ташқи томондан бу болаларнинг кийимлари-ю, сочи ва нигоҳларидан бошқа ажратиб турувчи жиҳатни илғамадим.

Тадбир асноси таклиф этилган санъаткорлар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини айтишди. Қизиғи, уларнинг ҳар кимнинг ҳам адашиши, хатони қайта такрорламаслик, Ватан, ота-она, соғинч, келажак ҳақида билдирган фикрлари тарбияланувчиларга қандай таъсир қилгани бўлди. Уларнинг кўзларида дастлаб афсус-надомат, сўнг умид акс этди. Кейин қизиқчиларнинг ҳангомаларидан завқланиб кулишди. Хонандаларнинг қўшиқларига ўйинга тушишди.

Ўрнак олсин, хулоса чиқарсин деган мақсадда олиб келинган ўқувчилар ҳам секин-аста тарбияланувчилар билан танишиб, гурунглаша бошлади. Биз ҳам уларни суҳбатга тортдик.

– Ёшим 16 да, келганимга бир ой бўлди, – дейди Артём. – Мен мудҳиш жиноятга қўл урдим: одам ўлдирдим, қасддан. Ота-онамнинг мени тергашлари ёқмас, эркин бўлишни, истаган ишимни қилишни, ичиш, чекиш, вақтичоғлик қилишни истардим. Кунларнинг бирида кечки пайт онам билан жанжаллашиб, уйдан чиқиб кетдим. Ўртоқларим ёнига бориш ва улар билан кўнгилхушлик қилиш учун ёнимда пул йўқ. Хаёлимга келган фикр кимнидир тўнаш бўлди. Ва бу ишимнинг охири қотиллик билан якун топди. Энди афсусдаман... Лекин, энди кеч... Буни ҳам биламан...

– Исмим Элдорбек, Наманган вилоятиданман, – дейди яна бир тарбияланувчи. – Ўғрилик қилдим. Энди жазо муддатимни ўтаяпман. Ота-онамни, яқинларимни жуда соғиндим. Тўғри, бу ерда бизга яхши муносабатда бўлишади, лекин ичкарида бир куннинг ўтиши шунчалар қийинки, буни озодликдаги одамга тушунтириб бўлмайди...

Эътиборимни бир четда ўтирган тарбияланувчи тортади. Кўринишидан 16-17 ёшли ўспириннинг нима жиноят қилганига қизиқдим.

– «Убийство», – деди ўзини Умид деб таништирган суҳбатдошим. – Амакимнинг ўғлини пичоқлаганман. Ўн тўрт йил беришди. Ҳозир икки йил-у тўрт ой ўтди. Ўшанда ўн беш ёшда эдим. У мени ҳақорат қилар, камситар ва тез-тез арзимаган сабаб билан урар эди. Ўша куни у мени яна урмоқчи бўлганда стол устидаги пичоққа кўзим тушди... Ўзимни тўхтата олмадим.

– Ҳозир нимани ҳис қиляпсиз?

Саволимга жавобан у менга ялт этиб қарайди. Кўзларида чексиз ғамни кўраман. Ва яна мен англамаган бошқа-бошқа туйғуларни...

– Афсус ва соғинчни...

Унинг кўзига қарадим. Назаримда, охирги саволга берган жавоби чегарасиз руҳий изтиробларининг энг қисқа ифодасидек туюлди.

– Исмим Рўзимуҳаммад, ёшим 16 да, – дейди яна бир тарбияланувчи. – Ўғирлик қилганим учун жазо муддатини ўтаяпман. 3 йил-у 1 ой беришди.

– Қандай хулосага келдингиз?

– Яқинларим ёнида, озодликда юриш бахтини арзимаган нарсага алмашибман. Бу хатони қилмаслигим керак эди...

Энди ҳаёт завқини туядиган, билим оладиган, спорт билан шуғулланадиган, ота-онасига кўмакчи бўладиган, жамиятга қўшилиб ўз ўрнини эгаллайдиган, Ватан хизматига камарбаста бўлиб, айни муваффақиятларга эришиш учун интиладиган ёшида тўрт девор орасида умри совурилаётган бу навқирон йигитларга қандай далда беришни ҳам билмай қолдим. Менинг тасаввуримдаги қотиллар-у талончилар ҳиссиз, ёвуз ва инсонийликдан йироқ кимсалар, қаршимда эса ҳали оқ-қорани тўлиқ фарқлаб улгурмаган ўспиринлар турар эди.

– Ҳозирда муассасада 70 нафарга яқин тарбияланувчи бор, – дейди «Зангиота тарбия колонияси»нинг Тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи Баҳодир Насиров. – Майда-чуйда жиноятлар билан қўлга тушганларни олиб келишмайди. Асосан, ўғирлик, қотиллик ва жинсий зўравонлик қилгани учун жазо муддатини ўтаётган тарбияси ўта оғир бўлган 14-17 ёшдаги вояга етмаганлар республикамизнинг турли ҳудудларидан шу ерга юборилади. Улар ўсмирлик даврида ўз ҳиссиётларини, нафсини ва жаҳлини жиловлай олмайди, оиладаги муҳит ёки бошқа сабаблар билан нотўғри йўлга кириб, хато қилади. Шунинг учун ҳам биз тез-тез ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бугунгидек маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, бундан ташқари, ички тартиб-қоидаларга риоя қилган тарбияланувчиларни рағбатлантириш ва бу орқали тўғри ҳаёт тарзининг афзаллигини тушунтиришга ҳаракат қилиб келяпмиз.

Савол туғилаверади, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда нималарга аҳамият бериш керак? Оқибатни эмас, сабабни бартараф этиш учун нима қилса бўлади? Ғишт қолипдан кўчгандан кейин айбни ота-она ўқитувчига, ўқитувчи ота-онага юклаб қутулишга ҳаракат қилиши қанчалик тўғри?

Хулоса ўрнида учрашув сўнгида «Менинг ҳам айтадиган гапларим бор эди» деб микрофон сўраб, тенгдошларига мурожаат қилган Дилмурод исмли тарбияланувчининг сўзларини келтирмоқчиман:

– Мен ҳам бир неча йил олдин сизларга ўхшаб бу ерга озод инсон бўлиб келганман. Бу ердагиларнинг ҳаёти билан танишганман. Аммо ўшанда тўғри хулоса чиқармаган эканман. «Мана юришибди-ку», деб ўйлаганман. Биламан, ҳозир орангизда шундай хаёлда ўтирганлар ҳам бор. Кейин жиноят қилдим. Бировнинг номусига тажовуз қилдим. Олти йил беришди. Бу оз фурсат эмас, ишонинглар, мен ҳозир кун эмас, соат, дақиқа санаяпман. Ҳозир сизларда қадам ташлаш ихтиёри бор, маслаҳатим, уни тўғри ташланглар.



**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ**
**«Ishonch»**

## Ҳикмат

**Бировнинг хатоси — бошқага сабоқ.**

Ж. РЕЙ

Тошкент вилояти

**Бекобод – Тошкент вилоятидаги саноати ривожланган металлурглар шаҳри. Шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ҳамда тақдири ушбу комбинат билан чамбарчас боғлиқ. Чунки Бекобод шаҳрининг 25 фоиз меҳнатга лаёқатли аҳолиси бу ерда ишлайди, шаҳар саноатида комбинатнинг улуши эса айни пайтда 80 фоизни ташкил этади.**

# САНОАТДАГИ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

*«Ўзбекистон металлургия комбинати» ташкил этилганига 75 йил тўлди*




### «ТАРИХИЙ КУН ИШТИРОКЧИСИМАН»

– 1942 йилнинг кузида Беговат қўрғончасида металургия заводи қурилиши бошлаб юборилди, – дея хотирлайди 94 ёшли меҳнат фахрийси Рихсибой Юсупов. – Урал ва Сибир заводларига 800 нафар турли миллатга мансуб ёшлар ўқиш, ишлаб чиқаришни ўрганиш учун жўнатилди. Улар сафида мен ҳам бор эдим. Свердловск вилоятининг Алапаевский металлургия заводида билимимни ошириб, 1943 йилнинг 17 август куни пўлат эритувчи малакасини олганлигим ҳақида гувоҳномага эга бўлдим. Ўша йилнинг сентябрида ушбу заводдаги мартен цехи қурилишида қатнашдим. Ва ниҳоят, 1944 йилнинг 5 марти Ўзбекистон металлургия заводи дунёга келган санага айланди. Шу куни 1-сонли мартен печида дастлабки металл эритилди. Мен ўша тарихий кун иштирокчисиман.

### ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ

«Ўзметкомбинат»да қарийб 75 йил давомида қурилиш, ривожланиш, илғор инновацион ғоялар асосида 1-навли прокат цехи, электрда пўлат эритув цехи, 1- ва 2-сонли навли прокат цехлари, сирланган пўлат идишлар ишлаб чиқариш цехи ва пўлат шарлар прокатлаш стани қурилиши, мис ва латун фольгалар ҳамда базальт асосида иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу лойиҳалар замонавий ва энергия тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда жорий этилиши билан давлатимиз саноат салоҳиятининг барқарор ўсишини таъминлаяпти. Юқори қўшимча қийматли экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулот ҳажмини ошириш, республика миқёсида қора металл прокати ва бошқа ишлаб чиқараётган маҳсулотга ўсиб бораётган эҳтиёжни тўлиқ қоплаш, шу билан бирга, янги иш ўринлари яратилишига эришилмоқда. Бу эса юртимиз иқтисодиёти ва халқ фаровонлиги ўсишига муносиб ҳиссадир.

Ўтган йиллар мобайнида корхонанинг ижтимоий соҳаси ҳам сезиларли ривожланиб, кўплаб турар жой бинолари, соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари ва бошқа ижтимоий ва маданий объектлар барпо қилинди.

### ЯНГИ ДАВР

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Ўзметкомбинат» АЖ устав капиталидаги давлат улуши ишончли бошқарувчи сифатида «SFI Management Group» компаниясига берилди. Ҳамкорлик натижасида комбинат тараққиётнинг янги даври ва янги босқичига муваффақиятли ўтди.

Бу компания жаҳон тажрибасига эга бўлгани учун ҳам 2017 ва 2018 йилларда корхона ишлаб чиқариши кескин ошди. Дастлабки кунларданоқ янги инновацион ғоялар олиб кирилди, янгича ғоя, янгича фикр бўлиши таъминланди. Янги қувватлар, технологиялар фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йили ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Бугун комбинатда ферроқотишмалар ишлаб чиқариш бўйича «мини-завод» фаолияти боис ўн миллионлаб АҚШ доллари иқтисод қилиняпти. Олдин ферросилиций ва ферросиликомарганец чет эллардан келтириларди. Ҳар йили уни сотиб олиш учун 17 миллион доллар сарфланган. Саъй-ҳаракатлар туфайли тайёр маҳсулотнинг таннархини пасайтириш, мамлакатимиз саноат салоҳиятини ошириш, металл маҳсулоти жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг ўрнини мустаҳкамлашга имкон туғилди. Ҳозир комбинат олдида ишлаб чиқариш қувватини йилига 25 минг тоннага етказиш вазифаси турибди. Олинган маҳсулотнинг 60 фоизи комбинат эҳтиёжлари учун ишлатилади. Қолган 40 фоизи ёки 8 минг тоннагача экспортга йўналтирилади.

Бугунги кунда улкан лойиҳа бўлган ферроқотишмалар цехида 225 нафар ишчи ишлаб келмоқда. Уларни Ўзбекистон оғир металлургияси тарихининг биринчи қалдирғочлари десак бўлади.

Ёш мутахассислар комбинатда кунни кун, тунни тун демай замонавий технологияларни ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаётган кореялик юқори малакали операторлардан касб-кор сирларини қунт билан ўрганмоқдалар.

2018-2020 йилларда умумий қиймати 474,5 миллион долларлик 13 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Ўтган бир йил ичида комбинат ўз харажатларидан орттириб, Бекобод шаҳрида уй-жой, маданий-маиший ва спорт объектларини бунёд этиш учун 77 миллиард сўм маблағ йўналтирди.

### ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАБ

– Президентимиз ўтган йилнинг августида қуйиш-прокатлаш мажмуасини қуриш лойиҳасини амалга оширишни бошлаш учун тамал тошини қўйди. Ушбу лойиҳа 2020 йилда тўлиқ ишга туширилиб, йилига 1 миллион тонна қўшимча пўлат лист маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти яратилади, 400 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади. Натижада комбинатда 2021 йилда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 2,1 миллион тоннага етказиш режалаштирилган, – дейди комбинат бошқарув раиси Тоҳиржон Азаматов. – Шуни ҳам алоҳида айтиш жоизки, ўтган йилда комбинатда пўлат эритиш ва прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори суръатларга эришилди. 911,2 минг тонна пўлат эритилиб, белгиланган режа ортиғи билан уддаланди. Прокатчилар эришган натижалар ҳам салмоқли. Шу даврда комбинатимизда 1 миллион 061 минг тонна прокат маҳсулотлари тайёрланиб, йиллик режа муддатидан олдин бажарилди. Ўтган йилга қараганда ўсиш суръати 150 фоизга яқинни ташкил этди. Шу жумладан, 235, 1 минг тонна пўлат золдирлар ишлаб чиқарилди. 2017 йилга нисбатан ўсиш юқори суръатни ташкил этди ва бу йилдан-йилга янада юқорилаб бораверади.

Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлаш юксак шараф, шу билан бирга, жуда масъулиятлидир. Юксак профессионал, малакали, аҳил ва истеъдодли кўп минг сонли жамоа олдида турган кенг миқёсли вазифаларни муваффақиятли адо этишни ўзи учун шараф деб билади.



**Салим АБДУРАҲМОНОВ**
**«Ishonch»**




## Ким билади нималарнинг қадрини?

*Бобораим бахши*
*(1936-2013)*

*Бобораим бахши 1936 йил Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Томчи қишлоғида туғилган. Унинг ота-боболари бахшилар авлодидан бўлиб, бобоси Нормурод бахши терма ва достонлар ижро этган. Отаси Маматмурод чертағон, амакилари Маматқул чобағон ва Абдураҳмон полвонлар ҳам дўмбира чертишга уста бўлиб, Бобораим бахши улардан қирқдан ортиқ дўмбира куйларини чалишни ўрганган. Бахшичиликда эса Қодир бахши ва Тошмурод бахшиларни ўз устози деб билган.*

*Бобораим бахши «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Маликаи айёр», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Гулнор пари», «Мисқол пари», «Авазхон ота юртида», «Алпомиш», «Юлдуз ва Қундуз», «Бобо Равшан», »Жорқон мастон» каби қирқдан ортиқ анъанавий достонларни ёддан билган ва маҳорат билан ижро этган. Ўзи «Дўрмонnoма», «Сўфи Оллаёр», «Сарвигул» каби достонлар яратган ва нашр қилдирган.*

*Бобораим бахши Денов туманида бахшилар мактабини очиб, 1992-2013 йиллар мобайнида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунда ўғли Равшан бахши, шунингдек, Ҳусан бахши, Юсуф бахши, Шерали бахши, Шодмон бахши, Одил бахши, Баҳром бахши, Алишер бахши каби шогирдлари унинг бахшичилик анъаналарини давом эттиришмоқда. У 2005 йилда «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони билан тақдирланган.*

*Жон айрилмасинда азиз танадан ,*
*Одамзод фориғ бўлсин қилган гуноҳдан.*
*Болалар айрилмасин ота-онадан,*
*Сағир қоғанлар билар ота-она қадрини.*
*Оҳ деса оғрийди ёлғизнинг боши,*
*Йиғласа оқади кўзлардан ёши.*
*Ўзига ярашмас турган юриши,*
*Чақирса келмайди чақирса киши.*
*Кундан-кун кўпаяр унинг ташвиши,*
*Ёлғизлар билади ака-ука қадрини.*
*Ўғил фарзанд бўлар суянган тоғинг ,*
*Қиз фарзандлар бўлар боғ-у чорвоғинг,*
*Фарзандсиз уйда ёнмас чироғинг,*
*Фарзандсизлар билар фарзанд қадрини.*
*Ёшлигингдан ўқи суннат қадрини,*
*Кўп ўрнига кўрар кўпи озини,*
*Ўлгунингча қутил Худо қарзини,*
*Қариганда биларсан илм-фаннинг қадрини.*
*Ўз элингда бўлсин сенинг кошонанг,*
*Ёратгандан ечилсинда кишанинг,*
*Элда бўлмаса-да мулла-эшонинг,*
*Ёмон кунда билинади эшон қадри.*
*Элингда бўлсин-да давр-у давронинг,*
*Юракда бўлмасинда ҳеч ҳам армонинг.*
*Кураш билса, билмаса бирор полвонинг,*
*Ор кетганда билинар полвоннинг қадри.*
*Булбуллар билар гулнинг қадрини,*
*Тилсизлар билади тилнинг қадрини.*
*Улсизлар билар улнинг қадрини,*
*Молсизлар билар молнинг қадрини.*
*Адашган билар йўлнинг қадрини.*
*Олтмиш ёшда эри ўлган момолар,*
*Етмиш ёшда билар чолнинг қадрини.*

**Ёзиб олувчи: Ўктам ҲАКИМОВ**

Саломатлик – туман бойлик



# Ўзингизни яхши кўрасизми?

*Унда кўпроқ пиёда юринг*

Келинг, сўзимизни улуғ шифокор Гиппократдан иқтибос билан бошлайлик: у тахминан 2400 йил аввал «Пиёда юриш – инсон учун энг яхши даво воситаси» деб айтган экан. Шиддат билан илгарилаётган XXI асрга келиб, бу хулоса ўз аҳамиятини йўқотиб улгурдими ёки янада қиймати ортдими? Замонавий тиббиёт вакиллари бу ҳақда қандай фикрдалар? Яқинда АҚШдаги Хайлендс университети олимлари пиёда юришнинг янги-янги хусусиятларини эълон қилдилар. Уларнинг айтишича, пиёда юриш бош миянинг қон билан таъминланишини янада яхшилаб, хотиранинг кучайишини, билим олиш қобилиятининг яхшиланишини таъминлайди. Зеро, ўрта ёшдаги жисмоний фаоллик 20 ёшдан кейин бош мия ҳажмининг камайиши билан боғлиқ бўлиб, инсон умри давомида пиёда юришни тизимли йўлга қўйса, бош миядаги ушбу нохуш ҳолатларнинг олди олинишига, образли қилиб айтсак, вақтидан олдин «қаримаслигига» эришади.

### ...БУ, АСЛИДА – СЕКИН ЮГУРИШ

Инсон қачон юз йилдан зиёд умр кўриши мумкин? Етти миллиарддан зиёд аҳолиси бор курраи заминда узоқ умр кўришни истамайдиган инсонлар неча фоизни ташкил қилади? Бу ҳол тақдирга битилган илоҳий қисматми ёки халқимиз тилидан тушмайдиган: «Сендан ҳаракат, мендан баракат» мақолига ҳам тегишлими?

Нуфузли American Heart Association ва American Collegen of Sports Medicine ташкилотларининг тавсиясига кўра, ҳафтасига камида 5 марта, кунига 30 дақиқа пиёда юрган инсон – тана учун энг табиий ва жисмоний жараён ҳисобланган ҳолатни бошидан кечириш асноси камроқ техника асри воситаларидан тўхтовсиз фойдаланаётган замондошига нисбатан умрни узайтириш йўлидаги энг асосий қадамини ташлаб улгурган ҳисобланади.

– Инсон пиёда юришни бошлагани ҳамон, юрак мускуллари ҳаракати тезлашиб, тана бўйлаб қон айланиш мўътадиллашади, бош мия ҳужайралари, унда жойлашган кўз билан кўриш мумкин бўлмаган асаб толаларининг қон билан таъминланиши яхшиланади, – дейди невропатолог шифокор Насиба Раҳимова. – Қабулимга келадиган мижозларимнинг кўпчилиги доимий автомобилда юришлари, кам ҳаракатлилик натижасида уйқусиз, тажанг аҳволга тушиб қолишларидан шикоят қилишади. Мен уларга зарур дори-дармонни тавсия қилиш билан бир қаторда, кўпроқ очиқ ҳавода, табиат қўйнида пиёда юринг, деб тавсия бераман.

### ХУШБИЧИМ ҚОМАТ ГАРОВИ

Ўтган йили бир дўстим вазнининг ортиқчалигидан шикоят қилиб қолди. Бу ҳатто оилавий турмушига ҳам таъсир кўрсатаётганидан ёзғирди. Бироқ... уни яқинда учратиб, ҳайратда қолдим. Кўз ўнгимда сарвқомат, борлиғидан бахт ва шодлик уфуриб турган аёл турарди. У менинг нигоҳимдаги «Қандай қилиб?» деган саволга оддийгина «Пиёда юрдим» деб жавоб берди. Инсон танасидаги ортиқча ёғлар пиёда юриш жараёнида йўқолиб, Поль Бреэгг таъкидлаганидек: «Танадан уялиш эмас, балки ғурурланиш керак»лигига олиб келади.

### МУШАКЛАР ИЧИДА ЭНГ НОЁБИ

Инсон танасининг ярмидан кўпроғини ташкил этган 600 та мушак бутун ҳаётимиз давомида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини деярли ҳамма билади. Ушбу мушаклар ичидаги энг ноёби юракдир. Унинг бир дақиқа бўлсин тин олишга ҳаққи йўқ – қонни ҳайдаб, мушаклар армиясини ҳаракатга келтириб туриши керак. Бугунги кунда инсульт, инфаркт ва бошқа қон-томир касалликлари инсоният ҳаётига хавф солаётган бир вақтда мунтазам равишда пиёда юриш юрак-қон томир касалликлари хавфини қанчага камайтиради? Илмий тадқиқотлар натижасига кўра, ушбу хавф 31 фоизга, ўлим хавфи 32 фоизга камаяр экан.

Ҳарвард университетининг кенг кўламли еттита тадқиқоти билан танишар эканмиз, муҳим хулоса ва рақамларга дуч келамиз:

- Университетнинг 10 269 нафар битирувчиси кунига 2 км.дан ортиқ масофани пиёда босиб ўтишлари натижасида ўлим хавфи 22 фоизга камайган;

- Тиббиёт соҳасида ишловчи 44 452 киши орасида – кунига камида 30 дақиқа пиёда юрганлар юрак ишемик касалликлар хавфига 18 фоизга камроқ чалинишган;

- 72 488 тиббиёт ҳамшираси орасида ҳафтасига 3 соат пиёда юрган ходимларда юрак хуружи – 35 фоизга, инсульт хавфи 34 фоизга камайган.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: юрак-қон томир касалликларидан жабрланганлар учун пиёда юриш мумкинми ва бунинг қандай нафи бор? Бу мавзуда ҳам ўтказилган кенг кўламли тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, 8 946 бемор иштирокида 48 илмий иш хулосасига кўра: ҳафтасига 3 марта 30 дақиқа давомида бажарилган меъёрий жисмоний ҳаракат (пиёда юриш ёки велотренажерда шуғулланиш каби) – юрак-қон томир касалликлари натижасида келиб чиқадиган ўлим хавфини – 26 фоизга, бошқа барча касалликлар натижасидаги ўлим ҳолатларини эса 20 фоизга камайтирган. Пиёда юриш, шунингдек, ақл заифлашуви (деменция), диабет, депрессия, йўғон ичак саратони, семизлик, бўғим касалликлари ва бошқа ҳолатларда ҳам жонингизга оро киради. Яхши дўстингиз билан кўнгилли суҳбат, табиатнинг бетакрор манзараси, осмондаги оппоқ булутлар, эндигина чиқаётган қуёшга бир нафасгина масрур бўлиб боқиш, уйқу олдидан тўлин ой жамоли-ю, чақноқ юлдузлар жилвасини юриб томоша қилиш айни пайтда руҳиятингизни бардамлаштириб, эртанги кун учун янада кучли иштиёқ уйғотади. Йил мобайнида тоғлар қўйнига бир-икки саёҳат қилиб, пиёда сайр этсангиз,шунинг ўзи Аллоҳ сизга туҳфа қилган бетакрор ҳаётга гўзал шукроналигингиз бўлади.

### НЕГА ҲАР КУНИ ЎН МИНГ ҚАДАМ?

Бу – 1964 йили Японияда ўтказилган «Япония–64» Олимпиадаси билан боғлиқ тушунча. Аксарият шифокорлар бугунги кунда мижозларига бир кунда ўн минг қадам пиёда юришни тавсия қилишади. Аммо ҳамма ҳам бир кунда шунча масофани босиб ўта оладими? Артерияларнинг яшовчанлигини сақлаб қолиш, инсон вужудида ҳаёт дарахтининг ям-яшил бўлиб туриши учун пиёда юриш зарурлигини ВАҚТ тақозо қилаётган бўлса-чи?...

Қадимда мусулмонлар муқаддас Ҳаж сафарига уловда ёки пиёда борганлар. Шаҳарлардан шаҳарларга, қишлоқлардан қишлоқларга қанчадан-қанча масофа яёв босиб ўтилган. Алпомишлар, Рустами достонлар ҳақидаги ривоятлар бежиз эмас, ахир...

Болаларнинг севимли шоири Қуддус Муҳаммадий доим пиёда юрган ва кўп қаватли биноларга лифтда эмас, зиналар орқали кўтарилган. Маълум бўлишича, зина бўйлаб юқорига кўтарилиш энг кўп қувват сарфланувчи машғулотлардан бўлиб, ушбу жараёнда оддий жисмоний машқларга нисбатан 50 фоиз кўп қувват сарфланади. Ҳарварддаги тадқиқотнинг кўрсатишича, кунига ўртача 8 қаватга кўтарилган кишиларда ўлим хавфи зинадан юқорига ҳаракатланмаган кишиларга нисбатан 33 фоизга камроқ қайд этилар экан. Шундай экан, бир кунда ўн минг қадамлик маррани эгаллашга ҳаракат қилинг. Бунинг уддасидан чиқолмасангиз ҳам хафа бўлманг. Кучингиз етганича пиёда юринг ва роҳатланинг.

### УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР ОСМОНДАН ТУШМАГАН

Дунё аҳли олдида ҳамиша бир савол кўндаланг туради: айнан пиёда юриш соғлиққа фойда келтирганми ёки генетик жиҳатдан соғломроқ кишилар кўпроқ пиёда юришга мойилми?

Оврупода ўтказилган тадқиқот бу мавҳумликка аниқлик киритди. Финляндияда 16 минг нафар бир жинсли эгизаклар иштирокида катта тадқиқот ўтказилди. Ойига камида 6 марта 30 дақиқадан пиёда юрган кишиларда ўлим хавфи ҳеч қандай жисмоний машқ бажармаганларга нисбатан 43 фоизга кам бўлган. Шунингдек, пиёда юриш билан шуғулланган эгизаклардан бирида шуғулланмаганига нисбатан ўлим хавфи 56 фоизга камроқ қайд этилган.

Донишмандларнинг таъкидлашича, буни фан хулосаси ҳам тасдиқлайди, узоқ умр кўриш, бу – ташкил этилган қаршилик экан. Бу кураш эса табиат ва унинг қонунларига ишониб, унга таяниб, уни асраб яшашдир. Сиз унга бағрингизни очсангиз, у сизга борини тўкиб солади. Сувда қулоч отган одамни сув оғушига олган каби. Пиёда юрсангиз, гул-у чечаклар йўлингизга интизор бўлиб, сизни дуо қилади. Шундай экан, пиёда юринг ва «яхши ҳаёт учун энг керак бўлган нарса, бу – саломат бўлиш» эканлигини унутманг.



**Нозимахон УМАРОВА**
**«Ishonch»**

# Масъулият ҳисси

**Мамлакатимиз ҳар бир жабҳада кун сайин ривож топиб бормоқда. Бу эзгу ишларга Бош прокуратура ҳузурида ташкил этилган Мажбурий ижро бюроси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Қанчадан-қанча қарздорликлар ундирилиб, ноқонунийликларга чек қўйилмоқда. Бунинг натижасида халқимиз орасида бурч ва ҳуқуқий маданият ошиб, тўлов интизоми шаклланаётир.**

Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек ҳамон айрим фуқаролар томонидан қонун бузилишларга йўл қўйилмоқда. Биргина мисол, ўтган йилнинг апрелида Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани «Ғозлиқ» МФЙ Ғозлиқ қишлоғилик фуқаро Ж.С.га тегишли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасида ўтказилган тадбирда тармоққа тўғридан-тўғри уланиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келгани аниқланган ва тегишли далолатнома расмийлаштирилиб, қонунбузар тегишли тартибда маъмурий жаримага тортилган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, халқимиз тўловларни ўз вақтида тўлаб қўйса, юқорида айтиб ўтган юртдошимиз каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаса, уни ҳеч ким безовта қилмайди, кўнгли хотиржам бўлади. Бу бизнинг ҳам ишимизни анча енгиллатади, албатта.

**Аслиддин МАНСУРОВ,**
МИБ Яккабоғ тумани бўлим бошлиғи ўринбосари,
**Тўлқин ҲУСАНОВ,**
криминалист

Эълонлар

Чирчиқ шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан Чирчиқ шаҳар, Тикланиш кўчаси, 102-уй 1-хонадон учун берилган Абдурахманова Кимия Чаккановнага тегишли кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

Тошкент шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан Учтепа тумани, Нур кўчаси, 50-уй учун берилган Саидназирханов Саидиёрхон Саидамиловичга тегишли кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

Учтепа тумани ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 10.02.2010 йили № 001687-01 рақам билан рўйхатдан ўтган (ИНН: 201125526) 4-тор Лочин кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган «TEPLOMONTAJ» MChJ тугатилаётганлиги маълум қилинади.

Барча эътирозлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой вақт мобайнида қуйидаги телефон бўйича қабул қилинади:

**Тел.: (97) 740-70-70**

***

Янгийўл тумани «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» томонидан Янгийўл тумани, «Навбаҳор» ҚФЙ, «Деҳқонобод» маҳалласидаги хусусий мулк эгаси Раҳмонова Майсара номига берилган ТА №0235321 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Табрик



*Наврўз – янги кун демак. Халқимиз ҳар йили Наврўз мўъжизаси билан юзма-юз келиб, ундан руҳий қувват олади. Зеро, у янги-янги интилишлар, изланишлар, ижодий парвозларга қанот бўлади. Нафақат табиат, балки ўзимиз ҳам янгиланамиз бу фаслда. Янгиланиш, яшариш, яратиш ва яшнатиш айёми – Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни, шу жумладан, таълим, фан ва маданият соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган фидойи ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этамиз!*

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ КЕНГАШИ**

Шавкат РАҲМОН

**БАҲОР**

*Ишон, одам, баҳорга ишон,
қара, гўдак каби беғубор –
мингинчи бор оловдай порлоқ
гулларини кўрсатар баҳор.*

*Баҳор сенга ишонар, қара,
сузиб чиқди кўзига юрак –
қараб турар сенга интизор,
сен баҳорни севишинг керак.*

*Кўзига боқ, ҳайдама уни –
мингинчи бор қилмагин хато.
Остонангдан кетмайди баҳор,
сен аслингга қайтмагунча то.*

*Шарқиратар асов сойларин,
нафасидан ранглар уфурар,
ўйнайверар яшил қушларин,
гулларини ёндираверар...*



Табрик



## «Мубораккнефтгазмонтаж» акциядорлик жамиятининг Когондаги «Турбодетал» унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Барча юртдошларимизни, шу жумладан, нефт-газ соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни, ҳамкор ташкилотлар вакилларини яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан самимий табриклайди.
Шу қутлуғ кунларда Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, халқимиз турмуши фаровонлиги, порлоқ келажагимиз йўлида фидойилик кўрсатаётган барча юртдошларимизга соғлик, оилавий бахт-саодат, ҳамиша баҳорий кайфият ёр бўлишини тилайди!*

**Наврўз қувончи барчани янгидан-янги зафарларга чорлайверсин!**

Табрик

## Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

***Барча юртдошларимизни Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!
Наврўз – кун-у тун тенглашган давр. Қуёш ҳут буржидан ҳамалга ўтади. Ҳамал – амал, дейди бободеҳқон. Қадимдан бу байрам деҳқончилик байрами бўлиб келган. Баҳорги экин-тикинлар бевосита Наврўз кириши билан бошланади.***

Шу улуғ ва тилаклар ижобат бўладиган дамларда эл-юртга омонлик, экин-тикинларга барака тилаймиз.
Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат бўлсин.
Эртанги кунидан хотиржам, яратувчанлик туйғуси, тўй-томошалар орзуси билан яшаётган халқимизни шод-у хуррамлик асло тарк этмасин!

Табрик

## Самарқанд шаҳридаги «TEZKOR ЭКО SERVIS» МЧЖ жамоаси

***Баҳорий янгиланиш, табиат уйғониши, янги кун элчиси – Наврўз билан барча юртдошларимизни, эртанги кунга зўр ишонч билан яшаётган касаба уюшма аъзоларини самимий қутлайди!***

Жуманиёз ЖАББОРОВ

**НАВРЎЗ КЕЛИБОН...**

Наврўз келибон, жумла жаҳон нозланажакдир,
Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажакдир.

Яшнар табиат, дашт-у адир лола ичинда,
Юртим – чаманим ўзгача пардозланажакдир.

Ирмоқ куладир, елга ўпич берса бинафша,
Майса қуёш тафтида таннозланажакдир.

Бир лаҳза эшит қумри-ю булбулни навосин,
Шўх-шўх таралиб, ялла-ю шаҳнозланажакдир.

Қайнар сумалак, варрак учар, тўю томоша,
Диллар қувониб, соз ила парвозланажакдир.

Жавлон уришар давра тузиб неча йигитлар,
Қизлар безаниб, ҳусн ила мумтозланажакдир.

Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанни,
Юрт ичра яна ҳурмат-у эъзозланажакдир.



Табрик

## Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

*Баҳор – гўзаллик, янгиланиш ва орзу-умидлар фасли. Атрофда борлиқ уйғонмоқда. Яшариш, янгиланиш фасли эшик қоқмоқда. Офтобнинг ҳаётбахш нуридан ер етилиб, қир-адирларга зумрад гилам тўшаяпти. Баҳор элчиси бўлмиш бойчечак эса унга ажиб тасвирлар битиб, бутун борлиқ қайта ороланмоқда. У биз кутган, кўнгилларга шодумонлик, қалбларга сурур бағишловчи ардоқли байрамимиз – Наврўздан дарак олиб келади. Шундай сурурли ва фараҳбахш кунларда азиз юртдошларимизни байрам билан қутлашдан биз ҳам бахтиёрмиз.*

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ НАРПАЙ ТУМАНИ КЕНГАШИ**

Азим СУЮН

**Йилбоши**

Бугун баробардир Кеча ва Кундуз –
Олам меҳварида қуёш барқарор.
Жанубий ярим шар қучоғида Куз,
Шимолий ярим шар бағрида Баҳор.

Хуш келдинг, Наврўзим, Ўзбекистонга,
Хуш кўрдик, мойчечак, бодом гуллари.
Истиқлол юз очган ота маконга
Анбарлар ташийди тоза еллари.

Гарчи кечаларнинг ҳарорати паст,
Этни жунжуктирар бу тунлар гарчи.
Офтобли тунларга ихлос-у ҳавас
Олиб учиб келди наврўзак – элчи.

Йил – Йилбошисидан... мана, нафаси
Тумандай тарқатди Қиш жафоларин.
Жарлар, дарахтларда қушлар уяси
Тағин кутиб олди «бевафо»ларин.

Мен бир ошиқ шоир, кўкда камалак,
Қалдирғочнинг қийиб учишин кутдим.
Дошқозонлар тўла ҳалим, сумалак,
Қозонинг тўлгани рост бўлсин, ЮРТИМ!

Табрик

# Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Халқимиз тафаккурининг бетакрор мўъжизаси Наврўзи олам билан мамлакатимиз аҳлини, жумладан, кўп сонли, кўп миллатли касаба уюшмаси аъзоларини самимий қутлайди.
Юртимизни, кўнглимизни, хонадонимизни баҳорий кайфият ҳеч қачон тарк этмасин!
Баҳорий тароват муборак, азиз юртдошлар!



Табрик



# «Ситораи Моҳи Хоса санаторийси» МЧЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Ўлкамизга зўр қувонч ва шодлик улашиб кириб келаётган Наврўзи олам билан барча юртдошларимиз, шу жумладан, сиҳатгоҳда дам олаётган азиз инсонларни, эл саломатлиги йўлида матонат кўрсатаётган ҳамкасбларни сидқидилдан қутлайди.



Бугун тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида дадил интилаётган халқимизга мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият, ишларида ҳамиша зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади. Гўзал ва довруғи тобора оламга кенг ёйилаётган диёримизга сира кўз тегмасин!

Табрик

# «ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Бунёдкор халқимизни ва соҳа вакилларини 21 март – Наврўзи олам билан чин юракдан муборакбод этади.

Меҳр-оқибат, янгиланиш, яшариш ва поклик тимсоли – Наврўз байрами хонадонингизга файз-у барака, фаровонлик, хотиржамлик ва шодлик олиб келсин.
Юртимиз тараққиёти ва истиқболи йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Наврўз шукуҳи доимо дилларда мангу бўлсин!



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-91) 537-61-76
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **00:15**
Топширилди – **02:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Буюртма **Г – 317.**
**30651** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6